ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“ЖАҲОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

404- гуруҳ талабаси

ИБРОХИМОВ БАХРИДДИН АБДУЖАББОР ЎҒЛИНИНГ

“СУРХОН ВОҲАСИДА ЧОРВАЧИЛИК; ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАҲЛИЛЛАР (1991-2016 ЙИЛЛАР)” МАВЗУСИДАГИ

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**ТЕРМИЗ – 2017 йил**

**Р Е Ж А**

**К И Р И Ш**

**I.Боб. Сурхон воҳаси чорвачилигини ўтмиш тарихига оид манбалар ва тарихшунослик**

**1.1.Мустақиллик йилларида чорвачилик соҳасига эътибор ва унинг натижалари**

**1.2.Сурхон воҳаси туманларида чорвачилик соҳасидаги натижалар ва таҳлиллар**

**II. Сурхон воҳасида чорвачиликнинг ривожлантириш омиллари ва натижалари**

**2.1.Чорвачилик ривожига муносиб ҳисса қўшган фидойий инсонлар**

**2.2.Сурхон воҳасидаги чорвачилик хужаликларида чорва наслини кўпайтириш борасидаги ютуқлар ва маҳнатни қадрланиши.**

# Х У Л О С А

# Фойдаланилган адабиётлар

# КИРИШ

**Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги**: Республикамизнинг мустақилликка эришуви халқимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнига кенг йўл очди. Ўтган йигирма олти йиллик тараққиёт мобайнида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар ўзининг пухта ўйланганлиги ва ҳаётийлиги билан муҳим сифат ўзгаришларга пойдевор бўлди. Ушбу ислоҳотлар ҳаётимиз барча жабҳаларини комплекс тарзда ислоҳ қилди. Турмуш тарзини, дунёқарашни ўзгартирди. Республикамизда қўлга киритилаётган ютуқлар, халқимиз турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришлар ўзбек маросимининг нақадар ҳаётий эканлигини яна бир бор исботлади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунданоқ ёш авлодни ҳар томонлама комил инсонлар қилиб тарбиялашга асосий эътиборни қаратди. Ўтган давр мобайнида шаклланган миллий истиқлол ғоясининг таб моҳиятидан ҳам комил инсон тарбияси кун тартибидаги муҳим бўғинлардан бири сифатида белгиланди. Бундан ташқари 1992-2016 йилларда да қабул қилинган Ўзбекистонда чорвачилик ривожи ва босқичларига оид фармон ва қарорларда сиёсати давлат даражасидаги сиёсат эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Ўзбекистонда чорвачилик тараққиёти ривожи ва босқичларини ислоҳ қилишнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастури, Ўзбекистонда чорвачилик ривожи ва босқичларига оид кадрлар тайёрлаш дастури ва чорвачилик

тўғрисидаги қонунлар асосида республикамизда чорвачилик ишларни ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Собиқ Совет давридан мерос қолган чорвачилик тизимдан воз кечилди. Натижада мукаммал чорвачилик тизимини яратди. Ушбу тизимнинг муҳим бўғинларидан бири эса соҳасида касб-ҳунар таълими саналади. Чорвачиликга ихтисослаштирилган касб-ҳунар таълим таълим мажбурий-ихтиёр таълим бўлиб ёшларимизни кенг қамровли мутахассислар бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда вилоятда ҳам чорвачилик касб-ҳунар тизими шаклланган, ушбу чорвачилик тизимида маълум даврда улкан ютуқлар қўлга киритилди, катта тажриба тўпланди. Бу эса вилоят касб-ҳунар чорвачилик тизимини ҳозирги замон тарихшунослик илми талабларидан келиб чиқиб алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганишни талаб этади.

**Мавзунинг мақсад ва вазифалари.** Ушбу битирув малакавий ишига Сурхондарё вилоятида чорвачилик ининг йўлга қўйилиши ва унинг фаолияти хусусида тадқиқот олиб бориш бош мақсад қилиб олинган.

Шундан келииб чиққан ҳолда қуйидаги мақсад ва вазифалар белгилаб олинди:

- Мустақиллик йилларида республикамизда чорвачиликида амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг натижаларини таҳлил этиш
- Республика чорвачилик касб-ҳунарининг янгидан замонoвий йўналишларни йўлга қўйилиши ва унинг ҳуқуқий меъёрий асосларининг шакллантиришни ўрганииш
- Республикада қабул қилинган Ўзбекистонда чорвачилик ривожи ва босқичларига дастури ва савдо-сотиқ тўғрисидаги қонун асосида вилоят чорвачилик тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг моҳиятини очиб бериш
- Вилоятда чорвачилик тизимининг шаклланиши ва унинг моддий техник таъминотининг йўлга қўйилишини ўрганиш
- Вилоят чорвачилик тизимида амалга оширилаётган ўқув-услубий ишларнинг қай ҳолатда бажарилишиини тахлил этиш
- Вилоят чорвачилик тизимида маънавий-маърифий ишларнинг қандай олиб борилаётганини таҳлил этиш
- Вилоят чорвачилик тизимини малакали мутахассислар билан таъминлаш масаласи қандай ҳал этилаётганлигини ёритиш
- Вилоят чорвачилик касб-ҳунар таълими тизимини битирган мутахассисларни ишга жойлаштиришни ҳолатини ёритиш

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Республикамизда мустақиллик йилларида чорвачилик соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга ошириб бу борада улкан сифат ўзгаришлар рўй берди. Жумладан Сурхондарё вилоятида ҳам чорвачилик тизимида ҳам анча ишлар амалга оширилди. Жойларда янги-янги чорвачилик йўналишлари фаолияти йўлга қўйилди. Замонавий чорвачиликнинг ривож топишида бинолари фойдаланишга топширилди. Ёш авлод чорвачилик замонавий билим олиш билан бир қаторда чорвачилик сирларини ҳам ўргана бошлади. Ўзбекистонда чорвачилик ривожи ва босқичлари босқичма-босқич ислоҳ этиш йўлга қўйилди. Ушбу чорвачилик тизим тарихини ёритиш мобайнида кўплаб архив маълумотлари, статистик маълумотлар, даврий матбуот материаллари илк бор илмий қамровга киритилди.

**Тадқиқотнинг даврий чегараси.** Мазкур битирув малкавий ишининг даврий чегараси сифатида Республикамизнинг мустақилликка эришуви натижасида Ўзбекистонда чорвачилик тизимида амлага оширила бошлаган ислоҳотлар даври, яъни 1991-2016 йилга қадар ўтган давр белгилаб олинди. Чунки бу даврда Республикамизда савдо-сотиқ соҳасида кадрлар тайёрлаш  тизиими тўлиқ шакллантирилди.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти.** Ушбу битирув малакавий ишида ёритилган маълумотлардан Сурхондарё тарихига оид чорвачилик тизимини янада мукаммаллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши.** Ушбу битирув малакавий иши кириш, адабиётлар таҳлили, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалардан иборат.

**Адабиётлар таҳлили.** Мустақиллик йилларида чорвачилик соҳасини ислоҳ қилиш мақсадида жуда улкан ишлар амалга оширилди. Ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олишда ҳуқуқий меъёрий хужжатларнинг ўрни катта жумладан 1992-2016 йилларда қабул қилинган янги таҳлидаги қарорлар ҳамда  республикамизда савдо-сотиқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантирилди. Шунингдек республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод орзуси” асарида ҳам республикамизда таълим тизимида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган[1].

Ўзбекистон Репсубликаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан тайёрланган “Касб-ҳунар таълими тизимида иш юритиш”[2] услубий қўлланмасида ҳам  чорвачиликга оид мавзуларга доир услубий маълумотлар жамланган. Бундан ташқари Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги чорвачилик касб-ҳунар бошқармаси томонидан йиллар давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар тўпламида ҳам ушбу масала юзасидан қимматли маълумотлар жамланган[3]. Сурхондарё вилояти давлат архивининг 48-52 фондларида ҳам вилоят статистика бошқармаси томонидан тайёрларган статистик тўпламларда ушбу мавзуга диор маълумотлар мавжуд[4]. Шунингдек С.Н.Турсунов раҳбарлигида тайёрланган “Сурхондарё тарихи” монографиясида[5] ҳам мавзу юзасида қимматли маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари “Ўзбекистон овози”, “Халқ сўзи”, “Маърифат”, “Сурхон тонги”, “Термиз оқшоми”, “Маънавият гулшани” газеталарида ҳам ушбу масала юзасидан маълумотлар олинди. “Баркамол авлод спорт ўйинлари” ўтказилишини муносабати билан ташкил этилган. WWWW Баркамол авлод.uz сайти манбаларидан фойдаланилди.

---

[1] Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т., Шарқ. 1998.
[2] Касб-ҳунар коллежларида иш юуритиш. –Т., 2005.
[3] Сурхондарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви, 57-жилд, 1-ёзув, 36-52-китоблар.
[4] Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти. Статистик тўплам: 1997-2006 йй
[5] Турсунов С.Н. ва бошқалар Сурхонадёр тарихи. –Т., Шарқ. 2004.

## I.Боб. Сурхон воҳаси чорвачилигини ўтмиш тарихига оид манбалар ва тарихшунослик

### 1.1.Мустақиллик йилларида чорвачилик соҳасига эътибор ва унинг натижалари

Мустақиллик туфайли халқимизнинг турмуш тарзи яхшиланиб, аҳолинини талаб эҳтиёжларини қондириш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар қилинмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят ҳокимининг 2008 йил 20 июндаги Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтиосдий ривожлантириш дастури бўйича чорвачилик соҳасига оид муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими минтақавий иқтисодиётни барқарор юқори суръатларда ўстириш, шунингдек, ялпи минтақавий маҳсулотларни 1,7 баравар ўсишини таъминлаш тўғрисидаги дастури бозор иқтисодиётида аҳолини талаб-эҳтиёжларини амалда бажармоқда. Вилоятда ишчи кучига бўлган имкониятлардан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида, айниқса қишлоқ жойларда тадбиркорлик ташаббусларни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи янги имкониятларини ишга солишга шароит яратди. Шунингдек, халқимизни чорва маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш мақсадида шахсий ва хусусий чорва хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитларини яратиш, чорва учун ем-хашак маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш масаласи алоҳида қайд этилди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни йўлга қўйиш масаласида шаҳар аҳолиси учун ҳам катта имкониятлар яратилди.

Битирув малакавий ишда вилоятимизда 20010 йилнинг 1 январига келиб, фермкер хўжаликларида 49280 бош йирик шохли мол, шу жумладан, 19400 бош сигир, 263816 бош қўй ва эчкилар, 244,6 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, чорвачилик соҳасида алоҳида ютуқларга эришилиб, 104704 тонна гўшт бозор эҳтиёжларига етказиб берилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чорвачилик анъанавий хўжалик машғулотларининг энг қадимий кўринишларидан ва тирикчилик

омилларини белгиловчи меҳнат турларидан бири. Энг қадимги “Авесто” китобида от, қорамол ҳамда майда туёқли уй ҳайвонларига алоҳида эътиборда бўлишган. Ҳатто, “Ҳамммадан кўра бахтиёррок бўлган дунёдаги тўртинчи жой қаерда деб сўраганда: бундай жой қўйлар суруви ва тевалар уюри энг парвариш қилинадиган заминдир деб жавоб берилган”. “Авесто” да чорвани отарларда қайтариш байрам ҳисобланиб, чорвачиликка оид урф-одатлар асрлардан асрларга ўтиб келмоқда. Чорвани кўпайтириш учун уни турли касалликлар ўлат, ёввойи йиртқич ҳайвонлар ва ўғрилардан ҳимоя қилиши учун турли хилда маросимлар ўтказилган. Чорвадорлар учун янги йил 16 мартдан бошланиб, ўт-ўланларни ўсиб чиқиши билан байрам кутиб олинган.

Битирув малакавий ишда Сурхон воҳасида маълумки қўйнинг икки турини кўпайтирилиб, боқилмоқда. Булар қоракўл (қоракўл териси етиштириладиган қўйчилик) ва думбали қўйлар. Сурхондарёда думбали қўйлар боқиш кенг тарқалиб, унинг қуйидаги турлари мавжуд: қозиқи, жойдори, (қозоқи ва ҳисори қўй чатишмаси), ҳисори. Ҳисори қўйлар асосан Денов ва Бойсун туманларида кўп боқилмоқда. Яйловларни табиий шароити ва фойдаланишига қараб қуйидаги турларга бўлинган, тоғ бағри ва чўл яйловлари, яъни пастки тоғ олди ва чўл зонаси районларидаги кузги-қишки-баҳорги яйловлар, ўрта тоғ районларидаги баҳорги-ёзги яйловлар, юқори тоғ районларидаги ёзги яйловлар.

Денов, Шеробод ва Бойсун туманларидаги тоғ олди ҳудудларида асосан энг кўп ёғ ва гўшт қиладиган ҳисори қоракўллар боқилиб, ёз ойларида тоғ зоналарига ҳайдалган. Бу қўйларнинг жуни қириқ, яъни дағал бўлган. Шеробод ҳудудида қўйларнинг бошқа турлари боқилиб, бу қўйлар: ислиқи қорақўй (ҳисори қорақўйларга қараганда кичикроқ, жуни ҳам майинроқ бўлган, қозоқи қўй ҳам деб аталган, ғалжаки (Афғонистон территориясидан ўтган), чибаланг (араби, қоракўл), кўрғўза (қозоқи ва чибалангдан урчиган) ва саржипаранг (Саржибой томонидан яратилган) турларга бўлинади.

Битирув малакавий ишда чорвачилик соҳасига оид Сурхон-Шеробод воҳасида ота-боболаримиз асосан ҳисор қорақўй ва ислиқи қорақўйларни боқишган бўлиб, бу қўйлар тана ва думба тузилишига қараб хам турли хилда номланган. Масалан, капкирт думба, ойна думба, шалпи дума турларига бўлинган. Агар капкирт думба тури яхши боқилса думбасининг оғирлиги 30-35 кг гача етган. Ойна думбали тури кўпроқ танасига ёғ боғлаган. Шалпи думбали тури ҳам капкирт думбали турича оғирликда ёғ берган, бироқ чорвадорлар бу турдан қўчқор танлашмаган. Сабаби, шалпи думбали ҳисори ва ислиқи қорақўйлар семиргандан кейин унинг юришини думбаси анчагина қийинлаштирган. Шунинг учун чўпонлар совуқларга бели ва бўйни узун, боши ва тумшуғи чўзинчоқ, капкирт думбали қўчқорларни танлашган ва бир қўчқорни икки йилдан ортиқ қўймаган. Бунда ота-боболаримиз кўп нарсаларни ҳисобга олишган. Қўзилаётган совлиқни азобламаслиги, наслнинг бузилиб, майдалашиб кетмаслиги, кўп гўшт ва ёғ қилишлиги ҳамда яйловларда қийналмай ҳаракат қилишлиги каби жиҳатлар эътиборга олинган. Ҳисори ва ислиқи қорақўйлар сурхон воҳасининг турли бекликларида иқлим шароити ва яйловлардаги ўт-ўланларнинг кучли ёки кучсизлигига, поримли (ёқимли) ёки поримсиз (ёқиммсиз)лигига ҳамда боқилишига қараб турлича

вазнда бўлганлар. Масалан, ҳисори қўйлар Денов ва Сариосиё ҳудудларида, Ҳисор тоғ бағирларида 180-200 килограммгача, ислиқи қорақўйлар эса 90-110 килограммгача гўшт-ёғ қилган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз ҳисори ва ислиқи қора қўйларни асосан гўшти ва ёғи учун боқишган.

Битирув малакавий ишда Сурхон воҳаси чорвачилигида қўйчиликнинг жаҳон аҳамиятига молик бўлган тармоғи қоракўлчилик ҳисобланган, қимматбаҳо қоракўл тери берадиган чибаланг араби қўйлари гавдаси унча катта бўлмай, тез ҳаракатланади, қўчқорлари шохдор, жунлари майин ва узун бўлиб, асосан жуни ва қоракўл териси учун воҳанинг чўл ва ярим чўл зоналарида боқилган. Бу қўй турининг қўчқори 45-50 кг, совлиқлари 25-30 килограммгача гўшт ёғ қилиб, кўпроқ ичига чарви боғлаган. Чибаланг (араби) қўйлар чирози, гарди, кулранг, пайғами, қора ва сур рангларда бўлиб, қоракўл (бағана) териси жуннинг жингалаклиги, гулининг чиройлиги ва жозибадорлиги билан ажралиб турган. Чирози ва сур қўйларнинг жуни олий навга кетган, қоракўл териси жаҳон бозорилда юқори нархда баҳоланган. Энг яхши сур ёки чирозит қоракўл териси 1 та катта ҳисори қўй баҳосида нархланган. Воҳада чибаланг (араби) қўйларнинг кўк (пайғами) ва кулранг турлари кўп тарқалган.  Афғонистон билан чегарадан амударё қирғоқларида кўрғўза қўй тури боқилган. Бу қўйлар чибаланг ва ислиқи қорақўйнинг чатишидан келиб чиққан тури бўлиб, 50-60 кг атрофида гўшт-ёғ қилган. Боботоғ этаклари ва адирларида ғалжаки деб номланган қўй тури ҳам боқилган. Бу қўй тури Афғонистондан Сурхон воҳасига ўтган қўй тури ҳисобланади. Ғалжаки қўйлар олабош, оқиш, кулранг ва кўкимтир, рангларда бўлиб, 18-20 кг чамаси гўшт-ёғ қилган. Бу қўй турининг жуни ниҳоятда майин бўлиб, асосан жуни учун боқилган ва кўпинча эгиз қўзилаган.

Битирув малакавий ишда чорвачилик соҳасига оид Сурхон-Шеробод воҳаси адирликларида боқилган қўй турларидан яна бири саржипарангдир. Бу қўй тури туркман бойи Саржибой номига қўйилган. Саржипаранг қўйи 50-60 кг атрофида гўшт-ёғ қилган, жуни ниҳоятда майин бўлиб, ҳар бир қўй 2-3 кггача жун берган.  Амударёнинг Оқ деб аталган адирларида Оқгарди деб номланган туркман қўйлари ҳам боқилган. Қўйчилик турларини кўпайтириш, зотдор наслларни сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш аждодларимиздан катта меҳнатни, сабр-тоқатни ва чорвачилик анъаналарига ҳамда қонун-қоидаларига амал қилишликни талаб этган. Хусусан, танлаб олинган зотдор қўчқорлар тоғ зоналарида 1-10 октябрларигача  солиқларга қўйилиб, тўл олиш март ойига мўлжалланган бўлса, чўл зоналарида август ойининг 15-25 ларида қўйилган ва декабрь ойи охири ва январ ойининг биринчи ярмида тўл олишган. Тоғ зоналарида қўчқорлар уйғониш арафасида  отар (сурув)дан ажратилган ёки белига куяк (кигиздан қилинган тўсиқ) тақиб қўйилган.

Чўпон ва унинг чўлиғи отардаги (ҳар бир отарда 1000-1500 тача қўй бўлса) барча қўйларнинг ўхшашлигидан қатъий назар бир-биридан ажратиб ола билган, борди-ю бирорта қўй ёки қўзи отарда бўлмаса уни дарҳол сезган ва шундаё қўй йўқ деб туси (ранг) билан айтиб берган. Шунингдек, чўпонлар, умуман аждодларимиз қўй-қўзиларни ёшига қараб ҳам номлаганлар.  Қўзи эса анъанавий номлар билан, қўй бўлгандан кейин эса, унинг тишига қараб аниқлаганлар. Масалан, энди

туғилгани барра, қўзичоқ деб 2-3 ойлиги ширвоз қўзи деб, 4-5 ойлиги сароёқ қўзи деб, ундан каттароғи габа қўзи деб, бир яшари тўхли, икки яшари шишак, уч яшари чори, тўрт яшари панжи, беш чиққани ва ундан каттаси манги деб номланган. Асосан буни тишларига қараб аниқлаганлар, қўй шишак бўлгунча қўзи тишлари жойида турган. Шишакка чиққандан кейин ўртадаги икки тиш тушиб, ўрнидан катта тишлар ўсиб чиққан, чорига чиққанда катта тишлари 4 та бўлган ва қўй панжи бўлганда олдидаги барча тишлари катта тишларга айланган. Чорвага бўлган муносабат мустақиллик йилларида жуда катта ютуқлар натижалар билан мустаҳкамланиб, чорвани ривожлантириш бўйича қатор тадбирлар, даструлар ишлаб чиқилди, ана шулардан бири шаҳарда чорвачиликни риовжлантироиш масаласи билан боғлиқ.

Битирув малакавий ишда шаҳарда чорва билан шуғулланувчи оилалар учун солиқ имкониятларини қонуний ҳолда ташкил этиш, чорвага зарур бўлган ем-хашакни ўз вақтида етказиб бериш, ветернария хизматини ташкил этиш муҳим масалалардан бири сифатида қайд этилди. Шунингдек, наслдор қора молларни, гўшт билан таъминловчи Ҳисор қўйларини кўпайтириш, паррандачиликка алоҳида эътибор бериш, ҳамда уларни сунъий уруғлантиришда малакали тажрибали илмий тадқиқот манбаларидан фойдланиш масалалари кун тартибига қўйилди. Айниқса, чорва моллари сонини кўпайтириш, гўшт ва сут берадиган зотли молларни парваришлар масаласида ветернария услубий қўлланмаларини яратиш, тажрибали чорва фермер хўжаликлари иш фаолиятидан фойдаланиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш масаласи юклатилди. Шу асосда Термиз шаҳрида чорва молларини боқиш, аҳолини гўшт, сут билан таъминлаш, паррандачиликка эътибор бериш, гўшт танқислигини олдини олиш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Мен истиқомат қилаётган Термиз шаҳридаги Фурқат кўчасида мавжуд 30 та хонадоннинг ҳаммасида шахсий чорва ва паррандачилик билан шуғулланиш имкониятлари пайдо бўлди. Фурқат кўчасидаги 20 хўжаликда қўй ва шохли қорамоллар боқилиши натижасида хонадонлар ўзини гўшт ва сут билан таъминлаш имкониятинига эга бўлди. Натижада, хонадонларни чорва билан шуғулланиши туфайли ўртача хонадонда ҳар бир ойда юз минг сўм миқдорда оилавий бюджетда тежаш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, 30 хонадонда мавжуд паррандалар туфайли ўртача ҳар бир хонадон 6-10 та тухумни истеъмол қилиши туфайли бозордан тухум сотиб олишдан озод бўлди. Паррандачиликнинг ривожланиши натижасида хонадонлар ўртача парранда гўшти ва тухумни ўз хонадонида етиштириши натижасида 42-50 минг атрофида оилавий бюджет тежаб қолинмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики Фурқат кўчасидаги аҳоли ўртача бир ойда 15-20 та қўйни боқиб, бозорга сотиш ёки гўшт дўконларига сўйиб топшириш туфайли шаҳар аҳолисини чорва гўштига бўлган талаб-эҳтиёжини қондирмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оила бюджетидаги иқтисодий тежамкорлик туфайли оилаларнинг иқтисодий таъминоти яхшиланиб, фарзандлар тарбияси, уларни баркамол авлод бўлиб шаклланиши, уй-жойларни таъмирлаш, боғ, полиз, сабзавот маҳсулотларини экиш ва кўпайтиришга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришга имконият яратмоқда. Энг муҳими чорва билан шуғулланиш туфайли оилада болаларни бекор қолишига, бекорчилик туфайли кераксиз ишлар билан шуғулланишнинг олдини олади.

## 1.2.Сурхон воҳаси туманларида чорвачилик соҳасидаги натижалар ва таҳлиллар

Битирув малакавий ишда чорвачилик соҳасига оид Шўрчи туманида чорвачиликка ҳам алоҳида эътибор берилиб, давлат ҳисобига чорва маҳсулотларни топириш режаси мукаммал бажарилиб, хўжалик ҳисобида 25 бош йирик шохли моллар, 80 бош майда моллар, 3 бош йилқилар боқиб кўпайтирилмокда. Туманда чорвачиликка эътибор йилдан- йилга яхшиланиб, аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжи бўйича ишлаб чиқариш режа асосида амалга оширилди. Натижада туманда гўшт ишлаб чақариш 1999 йилда 5046 тоннани, 2000 йилда 4880 тоннани ташкил этиб, сут маҳсулотлари 1999 йилда 22794 тоннага, 2000 йилда 22698 тоннага етказилди.. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туманда чорва молллари сони йилдан- йилга ошиб бориб, шахсий ва хусусий чорва жадал ривожланиб, махсус чорвачилик фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ушбу ишлар туфайли 1999 йилга келиб туманда қорамоллар 37307 бошни, шу жумладан, сигир 18832 бошни ташкил этган бўлса, қўй ва эчкилар 71854 бошни ташкил этди. Туманда 2000 йилда қорамоллар сони 38315 бошни, жумладан сигирлар 18831 бошни, қўй ва эчкилар 65695 бошни ташкил этди. Туманда ишлаб чиқариш салоҳиятининг ошиб бориши туфайли 2010 йилда чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериш аҳоли жон бошига тақсимланганда юқори натижалар қайд этилди. Аҳолига 6729 тонна гўшт, 32315,6 тонна сут, 6423 минг дона тухум, 1199 тонна чорва ёғи, 28,7 тонна асал, 151 центнер балиқ маҳсулотлари етказиб берилди. Шунигдек, аҳолини кундалик талаб эҳтиёжларини қондиришда асосий восита ҳисобланган чорва сонни кўпайтиришга эътибор йилдан-йилга ошиб бориб, шу жумладан сигирлар 21911 бошга, қўй- эчкилар 94676 бошга, отлар 1242 бошга етиб чорва сони кўпайди.

Битирув малакавий ишда чорвачилик соҳасига оид туманда мустақиллик йилларида чорва маҳсулотларини етиштиришга эътибор кучайиб, ўртача жон бошга сут-гўшт таъминоти муҳим масала бўлиб қолган эди. Шу туфайли давлатга ва аҳолига ушбу турдаги маҳсулотларни етказиб беришга алоҳида эътибор берилиди. Туманда 1991 йил 5068 тонна гўшт, 1992 йил 4498 тонна гўшт, 1993 йил 4861 тонна гўшт, 1994 йил 28024 тонна гўшт, 1995 йил 29381 тонна гўшт, 1996 йил 22323 тонна гўшт, 1997 йил 22327 тонна гўшт, 1998 йил 22338 тонна гўшт, 1999 йил 22794 тонна гўшт, 2000 йил 22698 тонна гўшт, 2001 йил 22311 тонна гўшт, 2002 йил 23698 тонна гўшт режа асосида тайёрланиб давлатга ва аҳолига етказиб берилди.

Мустақиллик йилларида туманда чорва маҳсулдорлигини ошириш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар ва фармонлар туфайли амалга оширилган ислоҳотлр ўз самарасини бериди. Туманда чорва молларининг сони ошиб бориши натижасида аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган талаб эҳтиёжлари қондирилиб, сут ва гўштга бўлган эҳтиёжи таъминланганлигини қуйидаги рақамлардан билиш мумкин. Шўрчи туманида 1 соғин сигирдан ўртача сут соғиб

олиш 1991 йилда 1652 кг, 1992 йил 2019 кг, 1993 йил 2028 кг, 1994 йил 1545 кг, 1995 йил 1111 кг, 1996 йил1042 кг, 1997 йил 1240 кг, 1998 йил 1285 кг, 1999 йил 1333 кг, 2000 йил 1189 кг, 2001 йил 944 кг, 2002 йил 945 кг ни ташкил этиб, аҳолиннг сут маҳсулотларига бўлган талаби таъминланди. Мустақиллик йилларида аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талаб эҳтиёжини қондириш мақсадида чорвачиликка алоҳида эътибор берилиб, шахсий чорвачиликни ривожланишига давлат етарли миқдорда маблағ ажратиб, хусусий чорвачилик бўйича махсус лойиҳалар эълон қилиб, шахсий чорва хўжаликларини моддий ва меъёрий қонунлар билан ҳимоя қилди. Туманда чорвачиликнинг ривожланганлигини қуйидаги манбалардан билиш мумкин, ушбу тақдим этилаётган рақамлар туман аҳолисини чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаган. Чорва моллари бош сонлари туманда 1991 йилда 9466 бош, 1995 йилда37412 бош, 1998 йилда 37859 бош, 2000 йилда 38315 бош, 2002 йилда 38812бош қорамол, 1991 йилда 2328 бош, 1995 йилда 17491 бош, 1998 йил 18340 бош, 2000 йилда 18831 бош, 2002 йилда 19242 бош сигир боқилган. Туманда 1991 йилда 29932 бош, 1995 йилда 66971 бош, 1998 йилда 71675 бош, 2000 йилда 65695 бош, 2002 йилда 62716 бош қўй ва эчкилар, 1991 йилда 26,3 минг бош, 1995 йилда 59,0 минг бош, 1998 йил 63,9 минг бош, 2000 йилда 63,9 минг бош, 2002 йилда 28,0 минг бош парранда боқилган. Туманда 1991 йилда 907 бош, 1995 йилда 1280 бош, 1998 йилда 1176 бош, 2000 йилда 1220 бош, 2002 йилда 1132 бош отлар боқилган.

Битирув малакавий ишда чорвачилик соҳасига оид жараёнларни ўрганишда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш Шўрчи туманида 1991 йил 5068 тонна, 1995 йил 29381 тонна, 1998 йил 22338 тонна, 2000 йил 22698 тонна, 2002 йил 23698 тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарган. Шўрчи туманида 1991 йил 1765 минг, 1995 йил 6049 минг, 1998 йил 4961 минг , 2000 йил 4982 минг, 2002 йил 5149 минг дона тухум маҳсулотлари етказиб берилди. Шўрчи туманида 1991 йил 41,5 тонна, 1995 йил 112 тонна, 1998 йил 44 тонна, 2000 йил 54 тонна, 2002 йил 52 тонна жун маҳсулотини ишлаб чиқарган. 2004 йил туман бўйича қорамоллар 39 минг 383 бошга, жумладан, сигирлар 19 минг 279 бошга, майда моллар 64 минг 404 бошга етказилди. Гўшт, сут ва тухум ишлаб чиқариш ҳамда сотиш режалари ошиғи билан бажарилди.

Туманда 2006 йилда чорвачиликни ривожлантиришда тижорат банклари томонидан 128,1 миллион сўм кредит ажратилди. Кам таъминланган аҳолига ҳомийлик ҳисобидан, жами 127 бош қорамол бепул тарқатилди. Шартли моллар сонларининг 1100 тага кўпайгани учун сут маҳсулотлари 3,3, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,7 фоизга ўсишга эришилди. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосий кўрсаткичлари барча тоифадаги хўжаликлар ҳисобига ортиғи билан бажарилди, жумладан гўшт ишлаб чиқариш 2009 йилда 6644,0 тонна бўлган бўлса, 2008 йилда 6616 тоннани ташкил этди ёки 100,4 фоизга кўпайди. Сут ишлаб чиқариш 2008 йил шу даврига нисбатан 100,5 фоиз бўлиб, 32273,0 тоннани ташкил этди. Тухум ишлаб чиқариш ҳам 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 102,1 фоизга, ёки 6378 минг донага етказилди. Барча тоифадаги хўжаликлар ҳисобига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қорамоллар 100,9 фоизни ёки 50043 бошни, шу жумладан сигирлар 100,1 фоизни ёки 21890 бошни, қўй ва эчкилар 102,0 фоизни ёки 93602 бошни ва паррандалар 117,4 фоизни ёки 134,7 минг бошни ташкил этади.

Битирув малакавий ишда чорвачилик соҳасига оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308 сонли қарори хамда ПК-842 сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида туман бўйича шахсий ёрдамчи ва дехқон фермер хўжаликларида 2009 йилда қора моллар бош сони 50043 бошни ташкил этган. Туман бўйича дастурда белгиланган режани ҳисобга олган ҳолда, 126 та, шундан 99 таси ҳомийлар ҳисобидан, 27 таси туман маҳалла хайрия жамғармасидан ва 72 та бошқа ташкилот ва корхоналар ҳисобидан кам таъминланган оилаларга бепул сигирлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги ПК-640 сонли қарорига асосланиб вилоят хокимининг 87 сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2007 йил 30 майдаги 266-Ф сонли фармойишига кўра вилоят хокимининг 30 майдаги 93 сонли қарори бўйича топшириқлар белгиланди ва тасдиқланди.

Туманда 2013 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасиннг ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» белгиланган топшириқларнинг бажарилиши бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб, жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, йилқи, парранда боқила бошланди.

Битирув малакавий ишда чорвачилик соҳасига оид йўналишларга таллуқли Шўрчи туманда ғалла ишлаб чиқариш йилдан- йилга ошиб, 2000 йилда 17149 тонна ғалла тайёрланиб, давлатга сотилиб, шундан 500 тоннаси уруғчилик учун ажратиб олинди. Туманда қишлоқ хужалиги етакчи тармоқлардан бири бўлиб, пахта, дон ва полиз- савзавот экинларига эътибор кўчайди. Натижада туманда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш йилдан –йилга ошиб, 2003 йилда 4859 тонна гушт, 23731 тонна сут, 5261 миллион дона тухум, 2004 йилда 5955 тонна гушт, 23829 тонна сут,5456 миллион дона тухум давлатга топширилиб, халқ талаб эҳтиёжлари таъминланди.Чорвачилик соҳасини жадал ривожланиши натижасида аҳолини турмуш даражаси яхшиланиб, озиқ-овқатга бўлган талаб эҳтиёжлари бажарилди. Туманда чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш йилдан- йилга ошиб борганлигини қўйидаги рақамлардан билиш мумкин, 2003 йилда39383 бош қаро мол, шу жумладан 19279 бош сигир, 64404 бош қуй-эчки, 71,6 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, аҳолининг гўшт ва сутга бўлган талаблари қондирилди.

ҚумқўрғонЧорвачилик ҳам йил сайин ривожлантирилмоқда. Айни пайтда 1300 қорамол (шундан 416 боши соғин сигир), 1400 бош чўчқа, қарийиб 700 бош қўй-қўзи боқилаётир. Хўжалик ҳар йили ишлаб чиқаришдан ўртача 8-9 миллион сўм даромад олаётир.

Битирув малакавий ишда чорвачилик соҳасига оид Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалигида чорва моллар бош сонлари қорамол етказиб бериш вилоят бўйича 1991 йил 131638 бош, 1993 йил 127423 бош, 1995 йил 420337 бош, 1997 йил 432582 бош, 2000 йил 446406 бош 2002 йил 458834 бош қорамоллар парвариш қилинди. Вилоят туманлари билан солиштирадиган бўлсак, Шеробод туманида 1991 йил 3961 бош, 1993 йил 3279 бош, 1995 йил 6361 бош, 1997 йил 3753 бош, 2000 йил 8504

бош, 2002 йил 9338 бош қорамоллар парваришланди[6]. Туманда қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам бир қанча ютуқларга эришилди. 2005 йилда барча тоифадаги хўжаликлар ва аҳоли билан биргаликда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 33 млрд. 413,7 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 104,7 фоизга бажарилди. Чорвачилик соҳасида ҳам 2005 йил давомида гўшт ишлаб чиқариш (аҳоли билан биргаликда) 4322 тонна, сут ишлаб чиқариш 16552 тонна, тухум ишлаб чиқариш эса 3965,5 минг донага етказилди. Туманда чорвачилик соҳасида ижобий ўзгаришлар юз бериб, хусусий ва шахсий хўжаликларнинг бу соҳадаги фаолияти анча ривожланди. Шерободда 2005 йилда жами қорамоллар сони 2115 бошга, сигирлар сони 1055 бошга, қўй ва эчкилар сони 19315 бошга етказилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида туман аҳолисини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятига эга бўлди. Туманда ғалла сотиш режаси 26095 тонна бўлиб, амалда 26178 тонна 100,3 фоизга режа уддаланиб, режадан 93 тоннадан ортиқ ғалла топширилди. Ғалла сотишдан 2 млрд. 334856 млн. сўмдан ошиқ даромад қилинди, пилла сотиш режаси 103 тонна бўлиб, амалда 107 тоннани ташкил этиб, режага нисбатан 104 фоизга бажарилди. Пахта сотиш режаси 42180 тонна бўлиб, амалда 29829 тоннани ёки режага нисбатан 70,8 фоизни ташкил этди.

Битирув малакавий ишда чорвачилик соҳасига оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-215-сонли Қарорига асосан 5 та ширкат хўжалиги фермер хўжалигига айлантирилди ва туман ҳокими қарори билан тугатилаётган ширкат хўжаликлари негизида янгидан жами 405 та, шундан пахтачилик ва ғаллачиликда 278 та фермер хўжаликлари ташкил этилди ва улар тадбиркорлик субъектларини руйхатга олиш инспекциясидан руйхатдан ўтиб, мухр ва тамғаларига эга бўлиб, тегишли хизмат қилувчи ва тайёрлов ташкилотлари билан шартномалар тузиб, фаолият курсатмоқдалар. Шеробод туманида 2011 йилда қишлоқ хўжалик соҳасида режалаштирилган амалий ишлар муваффақиятли амалга оширилиб, давлатга пахта 31334, дон 76590, пилла 168500, картошка 12946, сабзавот 51857, полиз 12763, мева 8086, узум 1037 тонна топширилди. Қишлоқ хужалик соҳасида туманда алоҳида деҳқончилик мактаби яратилиб, янги экин навларни яратиш, ҳосилдорликни ошириш, ерларни шўрланишини олдини олиш, агротехникани замонавий турларни қишлоқ хўжалигига жорий қилиш масаласида илғор тажрибалар мунтазам оммалаштирилиб борилмоқда. Аҳолини кундалик талаб эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда чорвачилик соҳасида ҳам маълум ютуқларга эришилиб, 2011 йилда туманда чорва сони ошиб борди, жумладан, қаромоллар 48863, қўй –эчкилар 224251, паррандалар 145000, отлар 957 тани ташкил этди. Аҳолини чорва ва парранда маҳсулотларига бўлган талаб эҳтиёжларни таъминлаш борасидаги Давлат дастурлари туманда мунтазам бажарилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Шеробод туманида 2012 йили қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожланиши, унинг маҳсулдорлигини ошиб бориши ушбу соҳадаги Давлат дастурларининг натижаси бўлиб, тумандаги мавжуд 574 та фермер хўжалигининг 398 таси деҳқончиликка, 86 таси боғдорчиликка, 80 таси чорвачиликка, 10 таси бошқа

[6] Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти рақамларда 1991-2002 йиллар.Статистик тўплаб.б.90.

хўжалик турларига мослаштирилган бўлиб, ушбу фермер хўжаликлари ихтиёрига 33905 гектар ер майдони ажратиб берилган.

## II. Сурхон воҳасида чорвачиликнинг ривожлантириш омиллари ва натижалари

### 2.1.Чорвачилик ривожига муносиб ҳисса қўшган фидойий инсонлар

Инсоннинг ақл-идроки, тафаккури, билими, изланиши, фидокорона меҳнати туфайли қилинган фан ва техника кашфиётлари, янгиликлари, яратилган бадиий, илмий, мусиқавий, рассомчилик, ҳайкалтарошлик асарлари мангу яшайди. Улар ижодкорларининг олис, машаққатли меҳнатларини, фидоийлик билан кечирган ҳаётларини, инсон тафаккури чексизлигини ўзларида мужассамлаштириб турадилар ва уларга умрбоқийлик бағишлайдилар. Ўз ижодкорлари издошларининг меҳнати, садоқатлари, изланишлари туфайли, йиллар оша, янада ривожланиб бораверадилар. Авлодлардан авлодларга завқ-шавқ, манфаатдорлик, фаровонлик бағишлайдилар. Халқнинг ҳақиқий маънавий, моддий бойлигига айланадилар ҳамда келажак авлодларнинг миннатдорчиликларига сазовор бўладилар. Зеро, инсон ақл-идрокининг, изланишининг, ижодкорлигининг самараси бўлмиш ҳар қандай кашфиёт, яратилган асар, фан ва техника соҳасидаги янгилик пировардида, эл, мамлакат, жаҳон миқёсида катта иқтисодий самара келтиради. Халқнинг, мамлакатнинг катта бойлигига айланади. Қоракўлчи олимлар, мутахассислар, чўпонлар, қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтлари ходимларининг йигирманчи асрнингўрталаридаолибборган илмий, ижодий изланишлари, фидокорона, тинимсиз меҳнатлари туфайли яратилган қоракўли қўйларининг Сурхондарё сури янги зот типи ҳам ана шундай улкан кашфиётлардан биридир. Бу аввало, ўзбек қоракўлчилиги собиқ иттифоқ даврида ҳам халқимизнинг азалий миллий қадриятларидан бири сифатида, фидоий одамлар томонидан ардоқлаб келинганлигининг, дунёгаянада кенфоқтанилганлигининг ёрқин мисолидир.

Совет ҳукумати ўзининг мустабид тузумини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш даврида Ер-сув ислоҳатларни ўтказиш жараёнида маҳаллий аҳолини ўз измига тушриш учун ҳамма воситаларни ишга солди. Маҳаллий аҳоли қўлида бўлган мол-мулкни тортиб олиш вақтида ўзига тўқ бойлар, ўрта ҳол деҳқонлар, ҳатто бир ҳовуч дони ёки бирта қўй-эчкиси бор қашшоқ камбағаларни қўлидаги мол-мулклари мажбурий тортиб олинди. Тотиб олинган мол-мулклар мустабид тузум зуровонлари томонидан талон-тарож қилиниб, Марказга жўнатилди, қолган қисми эса турли йўллар билан маҳаллий совет ҳокимияти ходимлари томонидан давлат мулки ихтиёрига ўтказилди. Айниқса, маҳаллий бойлар, ўрта ҳол аҳоли қўлида бўлган

чорвачилик вахшийларча таланди, чорва молларни эгалари сургун қилиниб, қатоғонликка тортилиб, совет ҳокимияти душмани деб эълон қилиниб отиб ташланди. Совет тузуми зулмидан азоб курган, аянчли қирғин, терговлар азобини бошидан кечирган қолган қисми ватангадо бўлиб чет элларга қочиб кетди. Эгасиз қолган мол-мулк эса совет ҳокимияти томонидан жамоа мулки деб эълон қилинди. Маҳаллий аҳолидан торитиб олинган чорва моллари бир ерга йиғилиб, жамоа чорвачилигига асос солинди. Уни назорат қилиш, боқиш, купайтириш совет ҳокимиятининг рухсати бўлган жойларга жўнатилиб расмийлаштирилар эди. Тўпланган чорва моллари маҳаллий халқ ҳисобига эмас Марказ ҳисобига хизмат қилишига мўлжалланган бўлиб, уни сўйиш, сотиш қаътий назаорат остига олинди. Чўпонлар томонидан эътиборсизлик асосида нобуд қилинган чорва моллари чўпонлар ҳисобидан қопланиб, ушбу ҳолатлар юз берса чўпонлар жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳатто мол-мулки давлат ҳисобига ўтказилиб, сургун қилинди ёки қамоқ жазоси билан ҳукм қилинди. Совет ҳокимияти 1920 йилларда маҳаллий аҳолидан тортиб олинган чорва моллари ҳисобида давлат хўжаликлари ташкил этиб, шулар жумласига 1928 йил 7 августда чорвачиликка, асосан қўйчиликга мўлжалланган “Оққопчағай” давлат хўжалиги Сурхон воҳасида ташкил топган дастлабки хўжалик эди. Дастлаб Денов тумани ихтиёрида бўлган “Оққопчағай”, кейинчалик Шўрчи тумани ихтиёрига ўтиб, Қумқўрғон тумани ташкил топгач хўжалик тўлиқ ихтисослаштирилган давлат хўжалигига айлантирилди. Дастлаб хўжалик ихтиёрида маҳаллий думбали ҳисор, жайдари ва афғон қўйларидан иборат қўйчилик фермалари шакллантирилди. Бу мавжуд қўйларни меринос (майин жунли) кучқорлар билан чатиштириб, майин жунли қўйлар зоти яратилди. 1930 йилларда совет ҳукумати ҳарбий эҳтиёжлар учун зарур бўлган жун маҳсулотларни етказиб беришни яхшилаш мақсадида жунли қўйларга эътиборни кўчайтириб, махсус насилчилик давлат хўжаликларига алоҳида эътибор қаратди. “Оққопчағай” давлат хўжалиги 1930 йилда Қирғизистон орқали “Средазовцетрест” қарашли Новокавказ турига оид 200 бош қоракул майин жунли қўйлар олиб келинди. 1935 йилда “Оққопчағай” давлат хўжалиги ихтиёрида 12 минг бош қўйлар жамланиб, ушбу қўйларга қўшимча тарзда Қашқадарёнинг “Нишон” давлат хўжалигидан қоракул-арабий қўйлар Хўжамуродов Қарши ва Шодмонов Йўлбор бошқарувида ҳамда 1937 йилда Бухоронинг “Қораул-бозор” давлат хўжалигидан 500 бош кук қоракул ва қамбари қўйлар “Оққопчағай” давлат хўжалигига Итолмасов Равшан, Жўра ва Холмуродов Холбой бошқарувида олиб келинди. Шунингдек, “Оққопчағай” давлат хўжалигига наслчиликни шакллантириш, янги наслларни яратиш мақсадида яна қўшимча “Ғузор”, “Муборак” давлат хўжаликларидан ҳам қўйлар олиб келиниб, янги насилларни яратишга жиддий киришилди. Қуйларни (қоракули қўйларни) Қашқадарёлик чўпонлар Итолмасов Холбой, Равшан (чорвадор-зоотехник даражасида) ва Жўра чўпонлар “Оққопчағай” давлат хўжалигига ҳайдаб келган.

Наслчилик селекция ишларида узоқни кўрадиган, илмий раҳбар чорва мутахассислари ишлаб ўтдилар: булар қуйидагилар Ризаев 1937-1939 йилларда “Оккопчиғай” давлат хўжалигида зоотехник бўлиб ишлаб, кейинги умрини 1930-1940 йилларида Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида талабаларга қуйчилик соҳасида дарс берди ва республикани қоракулчилик хўжаликларида наслчилик ишларида раҳбарлик қилди. “Оққопчағай” давлат хўжалиги 1928-1962 йилларда қўйчилик

давлат хўжалиги сифатида фаолият кўрсатиб, ташкил бўлган вақтида давлат хўжалигидаги дастлабки хисори қўйлар маҳаллий бойлардан тортиб олиниб давлат хўжалиги тузилди. 1937 йилдан бошлаб қоракўл қўйга ихтисослаштириш учун хўжалик насилчилик давлат хўжалигига айлантирилди.

“Оққопчағай” давлат хўжалигини номи 1962-1994 йилларда Ю.Гагарин номидаги қоракўл наслчилик заводи леб ўзгартилиди, 1994 йилдан бошлаб “Сайхон” наслчилик ширкат хўжалиги деб номланган. Шу йилларда давлат хўжалигини бошқарган раҳбарлари бўлиб ишлаган Морозов 1928-1929 йилларда, Ремезов 1929-1936 йилларда, Сальников 1936- 1941 йилларда, Седов 1941-1942 йилларда, Мирзабеков 1942-1943 йилларда, Максимов 1943-1945 йилларда, Туров 1945-1948 йилларда, Шергазин 1948-1950 йилларда, Менглиханов 1950-1953 йилларда, Кулигин 1953-1957 йилларда, Зиёдилло Эргашев 1957-1974 йилларда, Мирхолиқ Менглиев 1974-1985 йилларда, Қурбон Йўлдошев 1985-1989 йилларда, Алиёр Йўлдошев 1989-1991 йилларда, М.Менглиев 1991-1995 йилларда, Парда Шерқулов 1995-1999 йилларда, Бўри Эшбоев 1999-2002 йиллар, Саманов 2006 йилда, Абдурахмонов Абдураим 2009 йиллардаги хизматлари алоҳида таҳсинга сазоварди. Айниқса Иргашев Зиядулла, Менглиев Мирхолиқ, Юлдошев Қурбонларнинг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги ўз касбига ҳамда раҳбарлигига садоқати туфайли насилчилик совхози Иттифоқда энг юқори даромадли хўжаликга айланди.
Шунигдек, бош зоотехник ва бош ветинария врачлар бўлиб ишлаганлардан Ризаев 1937-1939 йилларда, Бобохонов, Мехиев, Ким Евгений Андриевич, 1941-1945 йилларда Гигинейшвили Николай Симонович хўжаликда бош зоотехник вазифасида ишлаб, урушдан кейинги йилларда 1992 йилгача хўжаликда наслчилик ишларини юритишда илмий раҳбар бўлиб ишлади.

Шу ўтган даврда хўжаликда 1962 йилда Сурхон сури зот типини бронза Платина, Янтар тусли рангли зотлари давлат аттестациясидан ўтди. 1968 йилда Ўзбекистон кўк қоракўл заводи зоти, 1971-1988 йилларда эса Сайхон Гавҳар ранг завод зоти, Гагарин оқ қоракўл завод зоти, Боботоғ тоғ ёввойи қўйи билан чатиштириш йўли билан кўк қоракўл завод зоти сурни янги платина ва антроцит қум ранг песочний тери зотлари яратилиб давлат аттестациясидан ўтказилди. Хўжаликда қоракўл қўйини 6 та зот ва завод наслари яратилди ва қоракўлчиликда хўжалик энг самарали, даромадли, насилчиликда юқори натижага эришган хўжалик сифатида Иттифоқга танилди. Гагарин насилчилик заводи топширган маҳсулотлар Иттифоқ бўйича катта натижаларига эришиб Ўзбекистон КП Биринчи котиби Ш.Рашидов, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазири Н.Ж.Худойбердиев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Н.М.Матчанов, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазири Н.Ж.Худойбердиевлар завод маҳсулотларига алоҳида эътибор бериб, завода бўлиб, жамоа ходимларни меҳнатини юксак баҳоладилар.

Наслчилик селекция ишларида узоқни кўрадиган, илмий раҳбар чорва мутахассислари ишлаб ўтдилар: булар қуйидагилар Ризаев 1937-1939 йилларда “Оккопчиғай” давлат хўжалигида зоотехник бўлиб ишлаб, кейинги умрини 1930-1940 йилларида Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида талабаларга қуйчилик соҳасида дарс берди ва республикани

қоракулчилик хўжаликларида наслчилик ишларида раҳбарлик қилди. Унинг шогирлари М.Менглиев бош зоотехник директор вазифаларида ишлаган бўлса, Х. Менгбоев 1963 йилдан 2000 йилгача наслчилик соҳасида бош зоотехник вазифасида ишлаб хўжаликни наслчилик селекцияси бўйича 5 та Беш йиллик селекция режасини катта илмий раҳбар Н.С.Гигинейшвили билан бирга тузди ва режа асосида иш олиб борилиб хўжалик қоракўлчиликда дунёга танилди.

Хўжаликда ветеринария соҳасида 1965-1972 йилларда Қурбон Эшбоев бош ветврач вазифасида ишлаб хўжалик чорвасини соғломлаштиришда юқумли касалликларни тугатишда катта иш олиб борди. Қишлоқ хўжалик вазири Н.Ж.Худойбердиев ведврач Қ.Эшбоевнинг насилчилик бўйича ютуқлари, ташкилотчилик, раҳбарлик қобилиятни ҳисобга олиб унга “Дук” чорвачилик учун махсус мослаштирилган автомашинаси ҳамда ветернария хизмати учун енгил автомашина тақдим этди. Ўзбекистон КП қишлоқ хўжалик бўйича котиб Й.Р.Қурбонов Қ.Эшбоевнинг ишларига юксак баҳо бериб, уни Сурхондарё вилояти Қоракулчилик совхозлар Трестига директор этиб тайинлаб ҳар йиллик чорак давомида қоракулчилик соҳасидаги ҳисоботларни тингал амалга оширган ишларига ижобий баҳо бериб, Иттифоқ йўналишда ишларни оммалаштириди. Натижасида соғлом наслли қоракўл қўчқор ва урғочи молларни давлат наслчилик идораси орқали сотишга рухсат этилди. Шу даврда асосан 1965-1990 йилларда наслчилик заводида қоракўл қўйлар бош сони 56-70 минг атрофида Бобортоғ яйловларида 3 та фермада ва наслли қўчқорлар бригадасида боқилиб, 1922 йилда хўжалик давлатга 24 минг дона қоракўл тери топширди ва бошқа қоракўлчилик хўжаликларига 2500 бош наслли қўчқор 2500 бош наслли урғочи қўзи сотишди.

1993 йилда эса давлатга сотилган наслли қўйлар сони 9500 бошга етказилди. Бундан ташқари хўжаликда қорамоллар бош сони 700-1000 бошлар атрофида чучқалар 500 бош атрофида ва парранда 10000 бош атрофида боқилди. Шундай қилиб хўжалик мамлакатда иқтисодий жиҳатдан салмоқли даромад берадиган хўжалик эди. Уруш йиллари (1941-1945 йй) қоракўлчилик хўжаликлари ташқи савдо таркибида бўлган ва 1966 йилдан бошлаб илмий наслчилик ишлари олиб борадиган хўжаликлар қаторида Гагарин номидаги наслчилик хўжалиги иттифоқ қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги давлат бош қоракўл бошқармасига ўтказилди. Наслчилик заводидаги чорвада ишлайдиган чупон чўлиқларнинг асосий қисми қўнғирот уруғидан қорағасмоқ, улус уруғи, тўғиз, қорабўйин уруғлари бошчорвоқлик хардури уруғлари Қашқадарёлик қовчин, араб, қатағон уруғлари вакиллари фаолият кўрсатган. Гагарин насилчилик давлат хўжалигида 1962 йил 60-76 минг қарокул ва насилчиликга мослашган қўйлар ҳамда чорвачиликни қорамолчилик, чўчқачилик зотлари ҳам боқилиб, 1961-1963 йилларда чнги насл қоракуллари эоти етиштирилди. Ҳар йили ўртача 20 минг қўй гушт учун етиштирилиб, шундан 10 мингта қари она қўйлар буғоз қилиниб, туғишидан бир ой олдин Термиз гшут заводига гшутликга топширилиб, уни қўзиси она қўй қорнидан ёриб олиниб, қўзи терси танасидан шилиниб териси ажратилиб олинган. Ушбу суйилан қўзи териси қоракул-қоракулча деб номланиб, энг юқори нархда сотилган. 1963-1970 йилларда ўртача ҳар йили 1,5-3 минг қўчқор насил қўйлар республикани

бошқа қоракулчилик хўжаликларига сотилиб, 9-9,5 минг ёш бир ёшга етмаган қўзилар бутун Иттофоқ бўлаб, асосан Россияни Астрахан вилоятига, Туркманистон, Тожикистон Республикаларига сотилар эди.

Қумқўрғон туманидаги қароқўйчилик наслчилик давлат хўжалиги ихтиёрида олиб борилган чорвачилик соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижасида эришилган ютуқлар туфайли Қишлоқ хўжалиги министерлиги кўрсатмаси ва тақдимоти билан Совет ҳукумати томонидан Шўрчи туманидаги Гагарин қорақулчилик насилчилик заводи томонидан яратилган зотдор қўйларга "Жанубий-Ўзбекистон кук рангли зоти" учун 1968 йил 19 мартда 7\ 96 қарори билан №-1092 номерли муаллифлик гувоҳномаси заводи жамоасига тақдим этилди. Ушбу муаллифлик гувоҳномасига эга бўлган муаллифлар Менглиев Мерхолик Менглиевич, Н.С.Гигинейшвели, К.Н.Серебрянский, Д.Ғуччиев, Р.Итолмасовларга тақдим қилиниб, уларнинг меҳнатлари муносиб тақдирланди.

Чорвачилик соҳасидаги эришилган ютуқлар катта меҳнат, олиб борилган илмий изланишлар, янги наслларни яратишдаги меҳнатларни самараси туфайли қулга киритилиб борилди. Шу туфайли Қишлоқ хўжалик министерлигини кўрсатмаси ва тақдимот туфайли Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги "Гагарин қоракулчилик қўйчилик насилчилик заводи 1978 йил 11 февралдаги қарори билан "Оқ ялтироқ рангли" қўй наслини яратганлиги учун №-2555 номерли гувоҳнома билан тақдирланди. Ушбу гувоҳнома муаллифлари тажрибали наслчилик бўйича катта муофақиятларга эришган, ихтирочи олимлар Н.С.Гигинейшвили, Х.М.Менгбаев, Д.Ғуччиев, Ж.Д.Юлдашев, Н.Иргашевлар томонидан яратилиб, халқимиз назарига тушиб, куплаб хизматларда камол топдилар.

Мамлакат иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги хизматлари, чорвачиликни тараққий этиши, янги наслларни яратишдаги хизматлари учун Қишлоқ хўжалик министерлигини кўрсатмаси ва тақдимот туфайли 1978 йил 11 февралдаги 76\82 қарори билан Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги "Сайхон" гавҳар завод-қоракулчилик насилчилик заводида яратилган "Қизғиш ялтироқ рангли"зотдор қўйларига №-2556- номерли муаллифлик гувоҳномаси тақдим қилинди. Ушбу муаллифлик гувоҳномаси таниқли олимлар,ихтирочи, наслчилик соҳасида катта тажрибага эга Н.С.Гигинейшвили, Х.М.Менгбаев, Х.Карабаев, К.Мадартов, Б.Утаевлар томонидан яратилиб, бутун иттифоқ бўлаб уларни хизматлар тарғиб қилинди.

Халқ хўжалигини ривожлантиришда алоҳида намуналар кўрсатиб, ўз касбига сидқидилдан муносабатда бўлган "Боботоғ" қоракулчилик қўйчилик насл заводининг чорвачилик соҳасида танилган ихтирочи олимлар Н.С.Гигинейшвили, Х.М.Менгбаев,Б.Ишанқулов, С.А.Асамов томонидан яратилган "Ялтироқ қум рангли" насли зоти учун Қишлоқ хўжалик министерлигини кўрсатмаси ва тақдимот туфайли 1981 йил 22 мартдаги №-132.82 қарори билан №-2937 номерли гувоҳнома билан тақдирланди.

Чорвачилик йилдан-йилга ривож топиб, янги насларни яратиш, қоракулчилик соҳасини зотдор қўйлар билан таъминлаш борасида тинимсиз тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижада Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Ю.А.Гагарин номли қоракулчилик наслчилик заводининг ихтирочи-тадқиқотчи олимлари М.М.Менглиев, Б.К.Чориев, М.Жўраев, С.Юлдашев, Д.Ғуччиев, Т.М.Мустафаев, Н.С.Гигинейшвили, Х.М.Менгбаев, К.Ю.Юлдашевлар томонидан яратилган “Ялтироқ қум рангли” зотдор насли Қишлоқ хўжалик министерлигини кўрсатмаси ва тақдимот туфайли 1991 йил 14 мартдаги №-249\82 қарори билан №-5521 номерли гувоҳномаси билан тақдирланди.

Қумқўрғон туманида чорвачилик соҳасида катта ютуқларга қўлга киритилиб, ижобий натижаларга эришилди. Алббата бу ютуқлар инсон омил бўлган ақл-заковат, тинимсиз машақатли меҳнат эвазига, касбга садоқат, устоз-шогирдлик ришталарнинг бир-бирига ҳурмат түйғуси билан боғланиши ҳисобига амалга оширилди. Йиллар давомида чорвачилик соҳасида етук мутахассисларни шаклланишга, ўз касбини билимдони, халқ хизматига тобланиш фаҳм фаросати пайдо бўлиб, ўз ватанига, халқига виждонана хизмат қилиш туйғулари чўпон касбига хос инсонлар қиёфасида инсонийлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, мардлик, жасурлик туйғуларни мустаҳкамлаб борди. Ватанимиз, халқимиз бу соҳада фидойилик қилган Менгли Раимқулов, Мирхолиқ Менглиев, Қурбон Эшбоев, Қурбон Юлдошев, Хуррам Менгбоев, Ҳамза Қорабоев, Жума Хуччиев, Холбой Модартов, Қурбон Эшқобилов, Худойназар Сафаров, Тўрамурод Эшпўлатов, Равшанбобо, Қаршибобо, Бобониёзбобо Номозов, Юлбарс Шодмонов, Нурқул Юлдошев, Юлдош Нуросов, Жўрабобо Итолмасов, Раимқул Эшонқулов, Тўра Пардаев, Эшбой Пардаев, Султон Хуччиев, Чори Мадартов кабиларнинг меҳнатини эъзозлаб тарих саҳифаларига муҳирлаб қўйди.

Сурхон воҳасида чорвачилик соҳасини ривожлантиришда, қўйчиликда насил олишдаги фидокорона меҳнатлари, устоз-шогирд макталарда фаол иштирок этиб, халқимизнинг иқтисодий турмуш тарзини ўсишда алоҳида хизматлари учун Менглиев Мирхолиқ СССР Давлат мукофати лавлуряти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор, Менгбоев Хуррам-СССР Давлат мукофоти лавруяти, Юлдошев Нурқул- СССР социалистик Меҳнат Қаҳромони, Умаров Юлдош- Ленин орденига. Ғуччиев Юлдош- “Мнат Қизил Байроқ” ордени билан мукофотландилар.

Халқимиз эъзозлаган чўпонлик касби асрлароша авлоддан –авлодга ўтиб, аждодлар касбни, чўпон таёғини қўлга олиб чорвачилика меҳр қўйганлар меҳнати доимо ҳурмат эътибор билан қадирланган. Қумқўрғонлик чўпонлардан Алманов Зиёдулла Сафарович 1959 йил 14 июнда туғилиб, 1976 йил ўрта мактабни намунали тугатиб, 1976-1981 йилларда Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институтини битирб чорвачилини ривожига муносиб ҳисса қўшиб келди. 1981-1995 йилларда “Беш қаҳромон” хўжалигида ферма мудири, бош чорвашунос, 1995-2000 йилларда “Қоракулга” ширкат хўжалигида бошқарув раиси, 2002-2008 йилларда Қумқўрғон қишлоқ хўжалиги кимё таъминот раҳбари, 2002-2008 йилларда Қумқўрғон “Деҳқон

озиқ-овқат бозори" МЧЖ бошқарув раиси, 2008 йил 25- июлдан "Оққопчағай" ширкат хўжалиги боқарув раиси лавозимларида фаолият кўрсатди.

Чорвачиликнинг мукаммал илмини амалаётда эгалаган таниқли чўпон Хўжанов Ибрайим Шоймарданович 1967 йилда Шўрчи туманида тўғилиб, 1982 йилда ўрта мактабни 8-синфини тугатиб чўпонлик касбига меҳр қўйди. 1986-2000 йилларда ёш чўпон сифатида фаолият кўрсатиб "Оққопчағай" ширкат хўжалигида ишлаб меҳнатда камодл топиб, ўз касбининг фидойи инсон бўлиб етишди. Чорвачиликдаги меҳнатлари, меҳнатсеварлиги, мамлакатмизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшганлиги туфайли "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор" унвони билан тақдирланди.

Сурхон воҳасида чорвачиликни ривожида мносиб ҳисса қўшиб келаётган таниқли чўпон, наслчилик ва янги қўй зотларни яратишда фаол қатнашган Хўжанов Хуррам Алимарданович 1968 йил Шўрчи туманида тўғилган. 1985 йилда ўрта мактабни тугатиб, 1990 йилдан "Оққопчағай" ширкат хўжалигида бош чўпон бўлиб ишлади. Ўзининг меҳнатсеварлиги, чорва соҳасини амалий йўналишни яхши биладиган Х.Хўжанов 1990 йилдан "Оққопчағай" давлат хўжалигида бош чўпон бўлиб хизмат қилди. Меҳнатсеварлиги, касбига садоқат, амалий натижалардаги ижобий хислатлар туфайли унинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб қадрланиб 2001 йил Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги, 2011 йил Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги кўкрак нишони ҳамда "Шўҳрат" медали билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги (ўша даврда хўжалик Шўрчи тумани ҳудудига кирган) «Сайхон» қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалигида (дастлаб Оққапчиғай совхози, сўнгра Гагарин номли Давлат наслчилик-заводи бўлган) яратилган қоракўли қўйларининг Сурхондарё сури янги зот типи катта илмий ютуқ сифатида эътироф этилган. Совет иттифоқнинг сўнгги даврларидаги сон кетидан қувишлар, ушбу қоракўлчилик-наслчилик хўжалигида ҳам наслчилик ишларининг ўн йиллар мобайнида амал қилиб келинган тизимларига путур етказди. Аммо, асарим бошида қайд этганимдек, инсоннинг ақл-идроки, тафаккури, меҳнати туфайли қилинган фан ва техника кашфиётлари мангу яшамоғига ишонаман. Ўтган куни Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги «Муборак» қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалигида ўтказилган қоракўли қўчқорларининг Республика кўргазмали семинарида қатнашганимда, бу ишончимга яна бир бора иймон келтирдим. Ўзбек қоракўли компанияси томонидан ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаш қоракўлчилик хўжаликлари иштирок этган ана шу кўргазмали семинарда Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги «Сайхон» қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалигининг чорвадорлари ҳам хўжалик бошқаруви кенгашининг раиси Абдирайим Абдураҳмонов, бош зоотехниги Соат Холбоев бошчилигида қатнашдилар. Улар кўргазмага олиб келган Сурхондарё сури зотли қўчқорларга, сур териларга, сур зотли қоракўли йўналишида, юқори ўрин берилганлиги эълон қилинди.

- Кўргазмали семинарда Сурхондарё сури зотли ҳамда кўк зотли қўчқорларимиз, шу зотли қоракўли терилар билан қатнашдик. Уларга юқори баҳо берилганлигидан мамнунмиз. Бу ютуқ аввало мустақиллигимизнинг, Президентимиз Ислом Каримов томонидан халқимизнинг миллий бойликларидан бири бўлган қоракўлчиликка катта эътибор, амалий ёрдам берилаётганлигининг, қолаверса, мутахассисларнинг,чўпонларининг изланишлари, фидокорона меҳнатларининг натижасидир. Қоракўли қўйларининг Сурхондарё сури янги зот типи Боботоғ этакларидаги Сайхон, Кўрқудуқ, Ўклан, Учқудуқ, Шўрқудуқ, Узунқудуқ, Полвонтош яйловларида табаррук, фидокор инсонлар томонидан яратилган. Мустақиллигимиз миллий бойлигимизни, қадриятларимизни ривожлантириш имконини берган экан, бундан фойдаланиш, мамлакат бойлигига-бойлик қўшиш, жаҳон бозорида юксак баҳоланадиган қоракўли терилар етиштиришни кўпайтириш бурчимиздир, -дейди хўжаликнинг бош зоотехниги Соат Холбоев.

- Қоракўлчиликда сур зотининг турлари жуда кўп. Сурхондарё сури уларнингичидаэнгсифатлиси, аълоси. Мен Сайхон яйловларида кўп бўлганман. Бу терини яратган Жўра Итолмасов, Равшан Итолмасов, Холбой Дўсматов, Йўлбарс Шодмонов, Нурқул Йўлдошевларни яхши танирдим. Улар меҳнаткаш, чорванингтилини биладиган чўпонлар эдилар. Сур терилар доимо юқори баҳолаб келинган, - дейди тажрибали чўпон Самандар ҳожи Норбоев.

Самандарҳожи Норбоев Касбитуманининг Қатаған қишлоғидан. «Муборак» қоракўлчилик - наслчилик хўжалигида қирқ йилдан ортиқ бош чўпон бўлиб ишлаган. Муносиб фарзандларни тарбиялаб камолга етказган. Бу пир-у бадавлат отахон ҳали бардам - бақувват. Қоракўлчиликнинг катта билимдони, элнинг доно, саховатли оқсоқоли сифатида обрў қозонган.

Сурхондарё сури қоракўлчи олимлар ва катта амалиётчи чўпонларнинг ҳамкорликдаги изланишларининг, селекция ишларининг катта илмий самараси, ютуғидир. Мен Шаҳрисабз қишлоқ хўжалиги техникумида ўқиган давримда, 1964 йилда, Гагарин Давлат наслчилик заводининг Парда Аҳмадов бош чўпон бўлган отарида қўзилатиш даврида амалиёт ўтаганман. Олимларнинг, чўпонларнинг бу борадаги изланишлари ютуқларининг гувоҳи бўлганман. Бронза, янтар, айниқса платина сур қўзичоқлари табиатнинг ҳақиқий мўъжизаси эканлигини ўзим кўрганман, - дейди Севарқул ҳожи Абдуллаев ёшлик йилларида кўрганларини хотирлаб.

Шаҳрисабз қишлоқ хўжалиги техникумини, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг зоотехника факультетини тугаллаган Севарқул ҳожи Абдуллаев ўтган даврда масъул бош мутахассислик, раҳбарлик лавозимларида ишлади. Катта тадбиркор, ташкилотчи раҳбар, мутахассис сифатида Муборак туманининг ижтимоий, иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшган бу бағрикенг, саховатли инсон турмуш ўртоғи Бегим ҳожиона Мардонова ҳамда муносиб фарзандлари ардогида кексалик гаштини сурмоқда.

Республика Қоракўлчилик компанияси мутахассисларининг ташкилотчиликлари, «Муборак» қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалиги бошқаруви кенгашининг раиси Олим Оқмаматовнинг катта саъй-ҳаракатлари, жамоа аҳлининг,

мутахассисларининг жонкуярликлари натижасида Республикамиз миқёсидаги бу тадбирга ҳар жиҳатдан катта, пухта тайёргарлик кўрилди ва тадбир юксак талаблар даражасида ўтказилди.

Қумкўрғон туманидаги машҳур давлат хўжалиги ҳисобланган, жаҳонга танилган «Оққапчиғай» қоракўлчилик совхози хўжалигидаги қоракўли қўйларининг Сурхондарё сурига мослаштириш ва янги зотни яратиш учун олиб борилган тинимсиз машақатли меҳнатни амалга оширган чўпонлар, уларнинг ҳаёти, турмуш тарзини, қўлга киритган меҳнат ютуқлари, бошидан кечирган оғир синовларга бардош берганлиги ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилишда

Жўра Йўлбарсовнинг “Сайхон достони” китобидан маълум маънода фойдаланиб ушбу бўлимни ёритишга ҳаракат қилдик. 1937 йилда Бухоронинг «Қоровулбозор» совхозидан 10 минг бош совлиқ ва наслдор қўчқорларни Сурхондарёдаги Сайхон яйловларига олиб келинди. Ушбу қўчқорлар «Оққапчиғай» олиб келингач Равшан Итолмасов чорва мудир қилиб тайинланаиб, қўйлар Кўрқудуқ яйловида жойлаштирилиб, унга бош чўпон этиб Холбой Дўсматов тайинланди ва бош чўпон 1940 йилда Кўрқудуқда қўй отарларни боқишни бошлади. Сурхондарё сурини яратиш устидаги наслчилик, селекция ишларини шу хўжатикка бош зоотехник Николай Семёнович Гигинейшвили 1940 йилда бошлади. Илк бор амалга оширилаётган насилчилик ишларига Йўлбарс Шодмонов ва Холбой Дўсматовлар раҳбарлик қилиб бош чўпонларга ёрдам берди. Ўз касбини фидойийлари бўлган бу таниқли чўпонлар қўзилатиш тугаши арафасида ҳали туғмаган қўйларнинг қисир ёки бўғозлигини аниқлашда чинкам касбини фидойилари эдилар.

Равшан Итолмасовлар сулоласи шунчалар ҳалол, ростгўй, билимдон бўлиб, чорвачилик билан биргаликда, об-ҳавонинг қандай ишини олдиндан айтиб берадиган, чорвадорларнинг тили билан айтганда «ҳисобдон» эдилар. Жўра бобонинг куз, қиш, баҳорнинг қандай келиши, қачон қор, ёмғир ёғиши, кучли совуқ, бўрон бўлиши, аёзли кунлар бошланиши ҳақидаги маълумотлари радио ва телевизорлар бўлмаган ўша даврларда, овларда оғиздан оғизга ўтиб тарқалиб юрар, айтганларининг ҳаммаси тўғри чиқарди. Хўжалик, ферма раҳбарлари, чўпонлар шу маълумотларни ҳисобга олиб ишни ташкил этишар, “ҳисобдон”нинг ўзи бундан мағрурланмас, жуда камтарин эди. Лекин, об-ҳаво ҳақидаги маълумотларини ҳеч қачон қатъий қилиб эмас, «назаримда шундай бўлар», деган қабилда баён этарди. Яна ҳаммаси худонинг қўлида, Худо билади», деб қўшиб ҳам қўярдилар. Ҳақиқий доно, ҳисобдон, камтарин инсон эдилар Жўра чўпон. Чўпонлар кечалари қўй боққанларида, айримлари қўрққанларидан, қўйларига, итларига, шерикларига бақириб-чақириб қаттиқ овоз бериб юришарди. Жўра бобонинг эса қўйнинг изида, бор-у йўқликлари, осонликда билинмасди. Эшакка миниб олиб, ёйилиб ўтлаётган сурувнинг изидан тушиб, қўйларини секингина ҳуштак чалиб оҳиста, моҳирлик билан бошқариб, чор-атрофни сезгирлик билан кузатиб ўтлатиб юрардилар. Жўра Итолмасов ферманинг, хўжаликнинг моҳир, илғор чўпонларидан эдилар. Сайхонга қўй ҳайдаб боргач, улар ҳар юз бош совлиқдан (СЖКсиз) 130-135 бошга етказиб қўзи ола бошлаган. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига, кўргазма очилган йили, биринчилар қаторида делегат бўлиб борганлардан бири Жўра Итолмасов бўлганлар.

Чўпонларнинг аёллари уларга оғир, машаққатли меҳнатларида ҳақиқий мададкор бўлишган. Улар туя миниб, қовға олиб, сурув-сурув қўйларга қудуқлардан сув тортишган. Чўллардан дағал хашаклар жамғаришган. Қўй қирққиб, эрлари билан баравар қўй боқишган. Қишда қўтонларнинг қорини курашган, қўйларга, қор устига пичан ёзишган. Ҳамма чўпон-чўлиқлар бош чўпоннинг қозонидан, дастурхонидан овқатланишган. Ҳар қуни тўрт-беш нафар чўпонларни едириб ичиришган. Ўтин териб ҳар куни, кун ора нон ёпишган, қозон қайнатишган. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги тақчилликлар даврида, чўлда якка-ёлғиз овулда яшаш шароитида бу осон иш эмасди. Чўпон аёллари тинимсиз ишлаб, изланиб рўзғорнинг кетик-кемтикларини ямашарди. Улар баҳорда қўйларни соғиб хумларни, флягаларни сариёққа тўлдиришар, халта-халталаб қурут тайёрлашарди. Жун йигириб, ўтовлари олдида дастгоҳ қуриб гилам шол тўқишарди. Ёзда кигиз босишарди. Ўтовларига турли боғичлар, белдаргилар тўқишарди. Чўпон оилалари ҳақиқий ишбилармон, тадбиркор, бўлиб, чўпон оилаларида яшаган, меҳнат қилган, эрларига ҳақиқий мададкор бўлган, болаларини тарбиялаб ўстирган Сайхоннинг меҳнаткаш, ўз ёрига вафодор аёлларидан Ҳайит, Бахмал, Хумор, Хурсан, Фароғат, Муаззам, Севар, Ҳақиқмомо, Ўғилтурди момо, Парча момонинг, Жанғил момоларнинг ҳаётларини, қандай яшаганликларини, меҳнат қилганликларни эл хурмат билан қадирлайдилар.

Сурхондарё сури янги зот зотини яратиш борасида олимлар, чўпон-чўлиқлар, хўжаликнинг раҳбарлари, мутахассислари билан ҳамкорлиқда, олис яйловлар бағрида қилган фидокорона меҳнатларини, чеккан заҳматларининг, ютуқлари туфайли яратилди. «Сайхон» хўжалигининг Сурхондарё сури зотли қўчқорлари, сур териларини жаҳонга машҳур қилган Йўлбарс Шодмонов, йигирма йилдан ортиқ вақтдан буён, Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятидаги Гагарин номли (кейинчалик «Оққапчиғай») қоракўлчилик хўжалигида бош чўпон бўлиб ишлайди. 1961 йилдаҳар 100 бош совлиқдан (СЖКсиз) 115 тадан қўзи олди. Қўзи айириш вақтида ҳар бир қўзининг вазни ўртача 35 килограммни ташкил этди. Ҳар бир қўйдан 3,4 килограммдан жун қирқиб олди. Қоракўли қўйлари Сурхондарё сури зотининг муаллифларидан бири.

Ўзбекистон Республикаси Гагарин номли наслчилик хўжалигининг бош чўпони Йўлбарс Шодмонов ҳамда Бутуниттифоқ чорвачилик институтининг катта илмий ходими Николай Семёнович Гигинейшвилининг «Сурхондарё сури-қоракўли қўйларининг янги зот типи» сарлавҳали, тўрт саҳифани эгаллаган мақоласида Сурхондарё сури янги зот ижодкорларининг фидокорона меҳнатлари ҳақидаги тасаввурларини бойитиб, олис чўллар қўйнида меҳнат қилган боболарининг ўзбек қоракўлиси довруғини таратганликларидан фахр ва ифтихор туйғуларини ёритган.

**2.2.Сурхон воҳасидаги чорвачилик хужаликларида чорва наслини кўпайтириш борасидаги ютуқлар ва маҳнатни қадрланиши.**

Сурхондарё сури янги зот типи қоракўли териларининг ғаройиб жилоланиб, нурланиб турувчи, жозибадор ранглари қоракўлчиликнинг энг юксак жиҳатларидан, ютуқларидан бири бўлиб, қўзи туғилгандан сўнг онасини тўрт-беш кун эмган сур қўзичоқлар терисининг рангини, занжирдек қаттиқ, бурама-бурама, қалам-қалам гулларини таърифлашга, ҳақиқатан ҳам тил ожиз. Сур терилар қуёш нурининг тушишига қараб, турлича товланиб, жилоланади. Устки қисмлари нур таратиб, қоронғуликда ёришиб тургандек туюлади. Айрим терилар яқиндан, айрими олисдан, айрим терилар ёруғликда, айримлари хира қоронғуликда янада нурли, жозибадор кўринади, айрим сур терилар турли ёруғликда ҳар хил тусда товланади. Уларни фотосуратда ҳам, ранг тасвирда ҳам тўлиқ ифодалаб, тасвирлаб бўлмайди. Ҳақиқий сур тери, ҳамиша илиқлик, нур таратади. Унда инсонни ўзига тортадиган бир меҳр, қувват борлигини ҳис этасиз. Уни асло қимматбаҳо, нодир совуқ металларга, тошларга ўхшатиб бўлмайди. Уни табиатнинг ноёб бир жонли мўъжизаси, деб аташ мумкин. Сўнгсиз уммон бағрига тўкилган тўлин ой нурлари, сувнинг қоронғу тубларида, чиғаноқларнинг лабларида шода-шода марварид, дур бўлиб унганларидек, сур терилар ҳам ғаройиб совлиқлар бағрида униб, пайдо бўлиб, етишиб дунёга келадилар. Сур териларнинг келиб чиқиши, унинг ниҳоятда юқори нархларга баҳоланганлиги ҳақида жуда қадимдан кўплаб ривоятлар юрган. Ҳақиқатан ҳам нурнинг тушишига қараб рангларнинг алмашинуви, ўйноқилиги, нурланиши сур териларига жуда катта жозибадорлик, ўзига диққатни тортиш қувватини бағишлайди. Рангларнинг бундай жилоланиб ўйнаши, нурланиши сур қоракўли териларининг таг қисми тўқ рангда, устки қисми эса очиқ-ёруғ рангда бўлиши билан боғлиқдир. Бу эса сур териларга ҳақиқий жозиба, жонлилик, ранглар ўйинини бағишлайди. Олис ўтмишда нархлари ниҳоятда юқори бўлганлигининг сабаби эса улар ниҳоятда ноёб, камёб бўлганидадир. Шунинг учун ҳам қоракўлчиларнинг олдига муттасил юқори сифатли сур терилар берадиган қўйлар зотини яратиш, улардан сур терилар олишни кўпайтириш, бу борадаги наслчилик, илмий-тадқиқот, селекция, амалий ишларни ташкил этиш ва кучайтириш, аниқ пировард натижаларга эришмоқ вазифаси қўйилганди.

Бу вазифани бажаришга, 1942 йилда, ҳозирги «Сайхон» (ўша даврда «Оққапчиғай» совхози)пинг Йўлбарс Шодмонов ва Холбой Дўсматов бошлиқ қамбар зотли совлиқлар отарларида Николай Семёнович Гигинейшвили раҳбарлигида киришилган.

Биринчиси— Бухоро сури совлиқлари устида олиб борилган, аммо, кутилган натижани бермаган. Иккинчи йўналиш, сурнинг янги вариантларини яратиш учун қамбар рангли совлиқларни шу зот қўчқорларидан йиллар оша танлаб қочириб, сур рангли сифатлисини ажратиб, яхшилаб боришдан иборат эди. 1942 йилдан 1946 йилгача сур терилар берадиган қўйлар зотини яратиш борасида олиб борилган уринишлар кутилган самарани бермаган. Охир-оқибатда, қамбар типидаги совлиқларни тизимли тарзда, йилдан-йилга танлаш, такомиллаштириш, унинг бошқа типдаги қоракўли зотлари типи билан чатишишига йўл қўймаслик асосида, сур зотини яратиш йўналиши танланди.

Қамбар типидаги совлиқлардан олинган қўзиларнингтериси очиқ жигарранг тусда бўлади. Ана шу қўзиларнинг айримлари териси жунининг учки қисми енгилгина нурланиб турар ва бу жило териларга олтин ранг тус берарди.

Отарлардаги селекция ишлари қамбар зотли қўзилар терисининг устки қисмидаги ана шу очиқ нурланиб, жилоланиб, терига олтинранг тус бериб турадиган жиҳатни кучайтиришга қаратилди. 1942 йилдан кейинги даврда олинган, қўзилик пайтида терисининг устки қисмида озгина I бўлсада ранглилик, нурланиш, жилоланиши бўлган совлиқлар асосий селекция ишлари олиб бориладиган Йўлбарс Шодмонов бошлиқ отарга жамланди. 1946 йилнинг охирида қатъий қарорга келинди: сур зотини яратиш борасидаги селекция ишлари натижасида олинаётган қўзичоқлар терисининг асоси-остки ранги мунтазам бир хилда эмас. Сурлилик эса, ҳаттоки энг яхши нусхаларда ҳам, қўзичоқ терисииинг ҳамма қисмини эгалламаган. Териларнинг нурланиши ҳам қониқарсиз, қоракўли ипакдек майин эмас. Сур зотини яратиш борасида бу нуқсонларни бартараф этиш осон кечмаган.

Аммо, бу нуқсонлар 1946 йилдан 1950 йилга қадар, 4733-рақамли, «Холбой» лақабли қўчқордан муттасил фойдаланиш асосида муваффақиятли тарзда бартараф этилди. «Холбой» червоний сур типидаги наслдор қўчқор эди. Бу қўчқордан тушган қўзиларнинг қоракўли териси ипакдек майинлиги, нурланиши билан ажралиб турарди. «Холбой»нинг наслчилик соҳасидаги қиммати шундан иборат эдики, ундан қочирилган совлиқлардан муттасил бир хилда фақат юқори сифатли червоний сур қўзилар олинарди. Наслдорлик хислатини авлодларига муваффақиятли ўтказиб борарди. Қоракўли қўйлари сур зотининг бобокалони ана шу «Холбой» лақабли наслдор қўчқор бўлган.

1950 йилга келганда, селекция ишлари олиб борилаётган рангдор сур қўйлар отаридаги совлиқларнииг ярмидан кўпи «Холбой»нинг насларидан иборат бўлган. Бу отарда совликларга қўйилаётган наслдор қўчқорлар унинг авлодлари эдилар. Шундай қилиб, тадқиқот ишлари олиб борилаётган совлиқлар ва қучқорларнинг, зотни тўлиқсақлаб қоладиган, мустаҳкам авлоди яратилди. Бу жиҳат Сурхондарё сури янги зот типини тўла яратишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилди.

Наслчилик, селекция ишларининг мунтазам олиб борилиши, бу борадаги ютуқлар туфайли хўжалик давлатга сур терилар топширишни анчагина кўпайтиришга эришган. Сур рангли қўйлар, қўчқорлар ҳам кўпайганди.

1949 йилдан бошлаб сур терилар берадиган қўйлар зотини яратиш борасидаги ишлар Республика, совет иттифоқ миқёсидаги комиссиялар томонидан бир неча бора атрофлича текширувдан ўтказилган. Етук қоракўлчи олимлар, амалиётчиларнинг, ана шу текширувлар, кўриклар жараёнида билдирган таклифлари, фикр ва мулоҳазалари асосида, олинаётган червоний сур қўзилар терисининг устки қисмидаги қизғиш рангни бошқа ёқимли, жозибали ранг билан алмаштиришга қарор қилинди. Бу йўналишда олиб борилган селекция ишлари натижасида янгича мутаносибликдаги рангли сур қўзилар олинди, 1946 йилда туғилган 174-рақамли «Оқдум» лақабли қўчқор («Холбой» қўчқорнинг наслидан) кейинчалик бронза сурининг яратилишига асос бўлди. У орқали бронза сурининг бир неча зотлари яратилди.

1946 йилда 22-рақамли «Олабош» лақабли қўчқор қўзи туғилганди. Унинг териси жунининг асоси-остки қисми кофе тусида бўлиб, учи деярли оқ эди. У «Холбой» қўчқорнинг авлоди эмасди. Кейинчалик «Олабош» платина сурига асос солди. «Оқдум» ва «Олабош» наслли қўчқорлар зотини такомиллаштириб, ривожлантириб бориш, кейинчалик, олиб борилган селекция ишларининг негизини ташкил этган ва қоракўли қўйларининг Сурхондарё сури янги зот типининг яратилишига олиб келган.

Лекин, «Асраган кўзга чўп тушади», деб беҳудага айтилмаган. Ўша йилларда отамнинг отарида чўпон бўлиб ишлаган, айни пайтда саксон ёшдан ўтган Саврилло бобо Ўриновнинг айтишича, «Олабош» қўчқор октябрь ойида, совлиқларни сунъий қочириш даврида кўп арпа еб дамлаб ўлган.

-«Олабош» жуда йирик, кучга тўлган даври эди. Ундан кунига йигирма-ўттизта совлиқ сунъий қочириларди. Қуй қочириш пунктида наслдор қўчқорлари  алоҳида боқиларди. Уларга қуритилган кўк беда, арпа, тухум, лавлаги ва бошқа кучли озуқалар бериларди. Николай бобо қўчқор боқарга «Олабош»ни яхшилаб боқишни қаттиқ тайинлаган. У бўлса, арпани жуда кўп берган. Кейин сувлаган. Кўчқор дамлаб шишиб кетди. Николай бобо дўхтирларни чақиртириб, ўзи устида турди. Бироқ, қўчқор шишиб, ёрилиб ўлди. Шунга Николай бобо уч кун тинмай йиғлаганди. Саврилло бобо ҳ ҳам йиғлаган эди. Бироқ унинг насли бир сурувдан ошган эди. Ўрнини босиб кетишди,-дея ҳикоя қилади кекса чўпон.

Саврилло чўпон бардам, бақувват, уни гўёки ёшлик шижоати, ғайрати тарк этмагандек. Сайхонда молларини боқиб юрибди. Сур терининг яратилиши, иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги йилларда чўпонларнинг кўрсатган жасоратлари, фидойиликлари ҳақида ҳикоя қилишдан чарчамайди. Хотираси кучли, сўзлари аниқ. Унингдек инсонлар яйловларга жон, серфайзлилик, барака бағишлаганлар. Яйловларнинг ажралмас бир қисмига айланиб қолганлар. Чорвани ардоқлаб, халол меҳнат қилиб, ҳаёт кечирганлар. Фарзандларини камолотга етказганлар. Хизир кезган яйловлар ва қўйлар уларга умрбоқийлик бағишлаган.

Қоракўли қўйларининг сур зотини яратиш борасидаги наслчилик, селекция ишлари олиб борилиб, отарларда эришилган натижаларнинг маълумотлари берилган. Унда қайд этилишича: 1947 йилда олинган 384 бош қўзининг 14 фоизи, 1951 йилда олинган 668 бош қўзининг 41,2 фоизи, 1955 йилда олинган 496 бош қўзининг 67 фоизи, 1961 йилда олинган 1089 бош қўзининг 88,3 фоизи сур бўлган.  Бу рақамлар сур терилар зотини яратиш борасидаги ишларнинг самарадорлиги йилдан-йилга ошиб борганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бронза рангли сурни кўпайтириш борасида наслчилик давомийлиги жуда яхши самара берган. Аммо, платини рангли сур тизимида бу усул кўзланган натижани бермаган. Олақуроқ терили қўзилар кўплаб туғилган. Бронза ва платина сурларини ўзаро урчитиш, яна бир ноёб рангли сур қўзиларни, янтар сурини олишга асос бўлди. Хуллас, қоракўли қўйларининг муттасил

тарзда сифатли, қимматбаҳо бронза, платина, янтар рангли сур терилар берадиган Сурхондарё сури янги зот типи яратилди ва уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бораверган. Агар 1951 йилда олинган жами сур рангли қўзилардан 18,5 фоизи бронза, 10,8 фоизи платина тусида бўлган бўлса, 1961 йилга келиб бронза туси 54,6 фоизни, платина туси 14,1 фоизни ташкил этган. Асл оз бўлади, деганларидек, энг қимматли платина сури ноёб, нодир, камёб эди.

Боботоғ этакларидаги яйловларда олимлар ва чўпонлар ҳамкорлигида яратилган Сурхондарё сури янги зот типи Бухоро суридан тубдан фарқ қилади. Қоракўл тери нуқтаи назаридан бу фарқ янги яратилган сур териларнинг пигментациясида, қоракўли тери нуқтаи назаридан бу фарқ янги яратилган сур териларнинг пигментациясида, қоракўли тери жунининг таги ва учидаги рангнинг кескин контраст ҳолатидадир. Қоракўлининг асоси ва устки қисмидаги ранглар уйғунлиги, алмашинуви, тери юзасининг тусига мос ҳолда ёруғ, ёрқин нурланиб туриши, қуёшда товланиши ҳақиқий мўъжиза, юксак ижод асарининг ўзгинасидир. Инсон ақл-идроки, тафаккурнинг, меҳнати ва изланишининг тирик, жонли маҳсулидир. Тинимсиз изланиш, фидойилик натажасидир. Бу жиҳатлар Бухоро сурида учрамайди. Сурхондарё сури қимматбаҳо, ягона, ноёб ва беқиёсдир. Ҳақиқий янгилик, кашфиёт, ижод, илм-фан ва амалиёт ҳамкорлигининг натижаси, намунасидир.

Сурхондарё сури янги зот типининг бронза, платина, янтар турлари тўлиқ яратилиб, совлиқлар, наслдор қўчқорлар отарлари тўлиқ шакллантирилгач, улардан мунтазам суратда кутилган натижада тўл олина бошланди. Шунда Николай Семёнович Йўлбарс чўпоннинг платини сури элита отарида, ҳамда Нурқул Йўлдошев бош чўпон бўлган бронза сури элита отарида, ана шу сур турларини ўзаро бир-бири билан урчитиш қандай самара беришини синовдан ўтказган. Айни пайтда ҳам, юқори сифатли, кўплаб бронза, платина туридаги сур терилар олишда қўл келиши тайин. Бронза сури туридаги совлиқлар шу турдаги кўчқорлардан қочирилганда олинган 295 та қўзининг 90,2 фоизи сур бўлган. Ана шу сур қўзиларнинг 74 фоизи бронза турида, 5,2 фоизи платина турида, 3,4 фоизи янтар турида бўлган. Платина туридаги наслдор қўчқорлар бронза тури совлиқларига қўйилганида олинган 314 та қўзининг 91,1 фоизи сур бўлган. Ана шу сур қўзиларнинг 51 фоизи бронзат урида, 20,1 фоизи платинатурида, 16,1 фоизи янтар турида бўлган. Платина сури туридаги наслдор қўчқорлар платина туридаги совлиқларга қўйилганида олинган 68 та қўзининг 88,3 фоизи сур бўлган. Уларнинг 31,7 фоизи бронза турида, 38,4 фоизи платина турида, 13,3 фоизи янтар турида бўлган. Бу натижалар, айни пайтда ҳам, наслчилик, қоракўлчилик, сур қўйлар сонини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, Сурхондарё сурининг довруғини янада оширишнинг муҳим илмий манбаи бўлиб хизмат қилади. Қоракўли қўйларининг Сурхондарё сури зотини яратган, бу зотни яратишнинг илмий асосларини, тажрибасини мерос қилиб қолдирган табаррук, фидоий инсонларнинг меҳнатини қадрлаш, тажрибаларини ўрганиб амалда қўллаш, бутунги авлодларнинг вазифасидир. Ўзбек қоракўлчилигининг беқиёс дурдонаси бўлмиш Сурхондарё сури зотини сақлаш, кўпайтириш, уни мустақил мамлакатимизнинг асосий миллий бойликларидан бирига айлантириш бугунги авлоднинг, ана шу зотни яратган марҳум инсонлар олдидаги, жонажон Ўзбекистонимиз олдидаги фарзандлик, фуқаролик бурчларидир. Зеро, оталарнинг

меҳнати, жасорати, тажрибаси инсоннинг энг катта бойлигидир. Фақатгина уни англаб етмоқ, билмоқ, қадрламоқ, сақлаб фойдаланмоқ керак. Оталарнинг эзгу ишларини, тажрибаларини давом эттирмоқ фарзандларни бахт-саодатга, фаровонликка элтади. Зеро, хайрли амалларимизда ота-боболаримизнинг миннатдор руҳлари ҳамиша бизга мададкор бўладилар. Оталар ва болаларнинг мақсад ва интилишлари ўртасида узилиш-танланган йўлдан чиқиш, эришилган натижаларни, хайрли ишларни барбод этиш бўлмаслиги керак. Авлодларнинг мақсад ва интилишлари, эришган натижалари узвийликда давом этиб, ривожланиб, кўпайиб бормоғи тараққиётнинг, маънавий ва иқтисодий камолотнинг муҳим шарти, тамойилидир. Сурхондарё сурининг тақдирини, уни ривожлантириш эстафетасини, бу зотни яратган ижодкорлар қўлидан қабул қилиб олган бугунги авлод зиммасидаги ана шу бурчини, масъулиятини, муқаддас вазифасини тўлиқ англаб етмоғи, шу асосда меҳнат қилмоғи талаб этилади.

Қоракўли қўйларининг янгидан яратилган Сурхондарё сури зоти муттасил равишда юқори сифатли бронза, платина, янтар сур терилари бериши билан биргаликда, бу зот яйлов, иқлим шароитига ниҳоятда чидамли, жунлари оппоқ, майиндир. Бу зот қўйларининг, қўчқорларининг жуни мўл, ниҳоятда майин, эгилувчи, ялтироқ бўлганлиги сабабли, жунчилик Марказий илмий-тадқиқот институти томонидан гиламчилик саноати хом ашёси талабларигатўлиқжавоб беради, деб қайд этилган. Сур зоти қўйлари аниқса, қўзилари ниҳоятда чидамли, яшовчан эканлиги амалда исботланган. Совлиқдар отарларидаги чиқим йил давомида, 2-3 фоиздан, ўстиришга қолдирилган қўзиларнингчиқими 1,3 фоиздан ошмаган. 1960 йилда хўжалик бўйича барча зотдаги совлиқларда жами 11,4 минг бош қўзи ўстиришга қолдирилган бўлиб, йил охиригача чиқим 3 фоиздан камроқ бўлган.

1961 йилнинг бошига келиб хўжаликда Сурхондарё сури янги зот типи қўйлари жами сони 5,4 минг бошни, шундан совлиқлар 3,9 минг бошни ташкил этган. Шу йилнинг баҳорида, нуфузли комиссия қоракўли қўйларинингСурхондарё сури янги зоттипини яратиш борасида амалга оширилган наслчилик селекция ишларини атрофлича кўриб чиқиб, эришилган натижаларни маъқуллади. Сентябрь ойида эса собиқ иттифоқ Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг илмий-техникавий кенгаши ушбу масалани кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикисининг Гагарин номли совхозвда (ҳозирги «Сайхон» хўжалигида) қоракўли қўйларининг Сурхондарё сури янги зот типи яратилганлиги тўғрисида қарор қабул қилган. Бу халқимизнинг азал-азалдан ниҳоятда катта миллий бойлиги, миллий қадрияти бўлган қоракўлчилигимизнинг собиқ иттифоқ давридаги жуда катта ютуғи, ўзбек чорвадорлари меҳнатининг, табаррук замини, хайр-у баракага тўлган ери, тупроғи, яйловлари саховатинингдовруғи эътирофи, тантанаси эди.

Мақолада хўжаликда Бутуниттифоқ чорвачилик институтинингтаянч пункти очилганлиги, «Сайроб» хўжалиги ёрдамчи тарзда қоракўлчилик-наслчилик ишларини олиб бориш учун биркитилганлиги, бу эса сур терилар етиштиришни тобора кўпайтириб боришнинг янги имкониятларини очганлиги қайд этилган. Сурхондарё сурининг ижодкорлари эса платина сур терилари рангида баъзан учрайдиган нуқсонларни тугатиш, ясси, сидирға қоракўли териларини кўпайтириш борасида

селекция ишларини давом эттираётганликлари таъкидланган. Сурхондарё сури зотининг яратилиши хўжалик аҳил жамоаси меҳнатининг, фидокорликларининг самараси эканлиги айтилиб, бу борада хўжаликнингзоотехниклари Равшан Итолмасов, К.Н.Серсбрянская, Б.Б.Гречин, Е.А.Ким, Жума Ғўччиев, чўпонлар Шомурод Шодмонов, Нурқул ва Бойқул Йўлдошевлар, Норим ва Эшбол Эргашевларнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлганлиги уқтирилган. Мен уларнингиҳаммаларини танирдим. Ҳамсуҳбат бўлганман. Бирга қўй боққанман, отаримизда олиб борилган зоотехника, наслчилик, ветеринария тадбирларида қатнашганман. Ёрдам берганман ушбу сатрларни ёзарканман, табаррук инсонлар хотираси олдида бош эгиб, ўзбек қоракўлчилигининг равнақи йўлида қилган меҳнатлари, чеккан заҳматлари, бизга мангу мерос қилиб қолдириб кетган ниҳоятда катта бойликлари—Сурхондарё сури учун чексиз миннатдорчилигимни изҳор этмоқдаман. Улар иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги ниҳоятда оғир даврда, камчиликларга, тақчилликларга қарамасдан, очин-тўқин, юпун-яланғоч юриб, яшаб, меҳнат қилиб, олис чўлларда оилаларидан, бола-чақаларидан ҳафталаб, ойлаб олисда ўтар қўй боқиб юриб эришган ютуқларининг, дунёда ягона, ноёб, табиатнинг ҳақиқий мўъжизаси, илоҳиёт нури бўлмиш Сурхондарё сури зотини яратганларининг, фарзандларини тарбиялаб, олий таълим даргоҳларида ўқитиб малакали мутахассис кадрлар қилиб етиштирганликларининг омили, манбаси нимада? Бу чўпонлик касбига, чорвага садоқат, фидоийлик, ҳалолликнинг, ўзбек халқининг миллий қадрияти, бойлиги бўлмиш қоракўлчиликка, оилага садоқатнинг натижасидир. Қишнинг бўронларида, ёзнинг жазирама иссиқлари ва гармселлари, ҳар қандай шароитда, улар бир-бирларига ёрдам, мадад берганлар. Чўлда ҳеч ким, ҳеч кимни ҳеч қачон ёлғиз, ёрдамсиз қолдирмаган. Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун мададкор бўлган. Қалбларда ана шундай шиор доимо барқарор бўлган. Кимсасиз чўлда қўй боқиб юрган чўпон белбоғидаги охирги ушоқ нонини, мешдаги сўнгги томчи сувини сув сўраб келган инсонга, ҳеч иккиланмасдан, берган. Ўклан яйловида қўй сувлайдиган қудуғимизнинг кунботаридаги тепаликда ёлғиз қабр бор эди.

...Айтишларича шу яйловларда фидоий, оққўнгил, полвон бир йигит қўй боқиб юрган экан. Бир ёз кунида эшак миниб ўтаётган икки чол ундан сув сўрашибди. Ниҳоятда чанқаб ҳолдан тойганликларини айтишибди. Аммо, йигитнинг суви йўқ. Меши бўшаб қуриб қолган экан. Шунда у ҳеч иккиланмасдан, чолларни қудуқ ёнига бошлаб келибди. Уларнинг сув кадисини олиб чатанлаб қудуққа тушибди. Сувкадини бир амаллаб, сувга тўлдириб, арқонга боғлаб юқорига узатибди. Йигит бир неча марта сув чиқариб чолларни ҳам, уларнинг ҳориган эшакларини ҳам сувдан баҳраманд этмоқчи бўлган. Сувни чоллар тортиб олишган. Аммо, йигитнинг қудуқ юзасига тираган оёқлари тойиб кетган ва у сувга йиқилган. Бобойлар улоқ-қуроқ арқонни қудуққа туширишни ҳам, йигитга ёрдам беришни ҳам эплай олмаганлар. Елиб-югуриб яқин атрофдагиларни чақириб келганларида, туя қўшиб, қовғага миниб қудуққа тушганларида йигит сувга чўкиб ҳалок бўлган экан. Уни шу тепаликка дафн этганлар.

...Айни қиш чилласида бир йигит қўшидан олисда, оқшом чоғи, қўй боқиб юрганида бўрон кўтарилиб қор ёға бошлайди. Қор бўрони авжига чиққанида, сурув шамолга қарши юролмасдан, бўронга орқа ўгириб, қўшдан тескари томонга кета бошлайди.

Йигит бир амаллаб, шамолга орқа ўгириб селдек шиддат билан қочиб кетаётган сурувнинг олдига тушиб олади. У тепаликларнинг шамол тегмайдиган панасига етганида, сурувни қайтариб, ўша шамолдан пана жойда тўхтатиб, жойлаштириб сақлаб қолишни мўлжаллайди. Қир-адирли, сойли яйловларда шамолдан пана бундай жойлар, тепаликларнинг қўлтиқларида кўп бўлади. Чўпонлар бундай шамолдаи панажойларни «Иғ» деб аташади. Хуллас чўпон қўшдан анча олислаб кетгач, ана шўндай шамолдан пана жойга етганда сурувни қайтариб тўхтатиб қолади. Энди ўзи сурувнинг олдида туриши керак. Йўқса, қўйлар, бўроннинг увлашидан ҳуркиб, яна қоча бошлаши, йўлида давом этиши мумкин. Қўшдан қанчалик олислаб кетишса, ортидагиларнинг ёрдамга етиб келишлари шунчалик қийин бўлади. Шунинг учун чўпон йигит, сурувининг йўлини тўсиб, таёғига суяниб, қаддини тик тутиб, мардона туради. Изларини қор кўмганлиги сабабли тунда ортидан ёрдамга чиққанлар уларни топа олмайдилар. Тун ярмидан оққанда қор бўрони тиниб осмон очилиб, юлдузлар чарақлаб кетади. Даҳшатли аёз бошланади. Борлиқни музлатади. Тонгда уларнинг изидан одамлар етиб келганида, устини қор босган қўйлар «иғ»да бехавотир кавшаб ётар, таёғига суяниб тик тургап чўпон йигит белбоғига қадар қорга кўмилганди. Юпун кийимлари қордан, тердан шалаббо ҳўл бўлган, ниҳоятда ҳоригани йигит қўйларининг янада олисга қочиб кетишига йўл қўймаслик учун ўрнида маҳкам турган ва шу туришида музлаб тошдай қотиб қолган эди. Қўлларидан таёғини ҳам ажратиб ололмаганлар ва шу туришида қўшга олиб келганлар. Дафн этганлар. Қўйларини, уларнинг қорнидаги қўзиларини омон сақлаб кўнгли хотиржам бўлган йигит кўнгил осойишталиги билан мангу уйқуга кетган.

Чўпонлар ана шундай мард, олийжаноб, фидоий инсонлардир. Бу хислатлар яйловларда эришилаётган ютукдарнингтамойилидир. Сурхондарё сури ҳам ана шундай инсонларнинг меҳнати, жасорати, ўзаро ёрдами, бир бирига ҳамкорлиги, мададкорлиги туфайли яратилган. Номлари ушбу китобда зикр этилган инсонлар ҳақида ўйлаганимда, уларнинг сафдошлари бўлган ана шу чўпон йигитлар ҳақидаги ҳикоялар, хотиралар ёдимга келди.

1962 йилга келиб қоракўли қўйларининг Сурхондарс сури янги зоти типи яратилди ва платина, бронза, янтар рангли сур терилар берадиган совлиқлар отарлари тўлиқ шакллантирилди. Сур совлиқлардан мунтазам равишда юқори сифатли сур терилар олина бошланди. Бу борадаги натижалар ҳақидаги маълумотларни юқорида келтириб ўтганмиз.

Мирхолиқ Менглиев чорвадор оиласида туғилиб камолотга етган. Отаси Менгли Раҳимқулов хўжаликнинг иккинчи фермасида зоотехник бўлиб ишлаган. Бобоси Раҳимқул бобо ҳам бош чўпон бўлиб ишлаган. Хўжаликни ташкил этиб бешигини тебратган фидоий, меҳр-оқибатли инсонлардан эди. Мирхолиқ ака хўжаликда зоотехник, бош зоотехник, икки марта директор бўлиб ишлаган. Дастлаб тадбиркор, ташкилотчи мутахассис-раҳбар, Зиёдулло Эргашевдан кейин директорлик қилган. Николай Семёнович Гигинейшвилининг муносиб шогирди. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. Николай Семёновичнинг вафотидан сўнгра Бутуниттифоқ чорвачилик институтининг катта илмий ходими, институтнинг шу хўжаликдаги таянч базасида катта илмий ходим вазифасида ишлаган. Номзодлик дессертациясини қоракўли қўйларининг

Жанубий Ўзбекистон кўк зоти типини яратиш мавзусида ёқлаган. Унинг хўжаликнинг олис тарихи, наслчилик ишларининг бошланиши, олиб борилиши, эришилган натижалар ҳақидаги ҳикояси мазмунли, мароклидир.

Ҳозирги «Сайхон» хўжалиги 1928 йилда Боботоғ этакларидаги яйловларда ташкил этилган. «Оққапчиғай» номи билан аталган Хўжаликда дастлабки даврларда асосан жайдари кўрғўза, дурагай қўйлар боқилган.

Жуни сифатсиз, дағал бўлган. Қўзиларининг териси қоракўлига ўтмаган. Асосан гўштликка боқилган. Сўнгра, жун етиштириш мақсадида, миронос зотли қўйлар келтирилган. Аммо, улар бу яйловларга бардош беролмаган. Ана шунда хўжаликнинг ўзида, шу ердаги яйловларда қоракўли қўйларининг Сурхондарё сури янги зотини яратишга қарор қилинган. Олис ўтмишда шу яйловлардаги сурувларда, онда-сонда бўлсада, териси рангли, жилоланиб, нурланиб турадиган сур қўзилар туғилганлиги ҳақида чўпонлар, кексалар ҳикоялар қилиб юришаркан.

Хуллас, «Оққапчиғай» яйловларига Бухоро вилоятидаги «Қоровулбозор» хўжалигидан қамбар, Бухоро сури зотли қоракўли қўйлар, қўчқорлар ҳайдаб келинган. Бир неча йиллик изланишлардан сўнг қамбар зотли қўйлар, қўчқорлар асосида Сурхондарё сурини яратиш йўналиши танланган ва Николай Семёнович Гигинейшвили раҳбарлигида, узоқ йиллик наслчилик, танлаш, селекция ишларидан сўнфа, мақсадга эришилган. Сурхондарё сурини яратиш борасидаги наслчилик илмий-тадқиқот ишлари хўжаликнинг иккинчи фермасида Йўлбарс Шодмонов ҳамда Холбой Дўсматов бош чўпон бўлган отарларда олиб борилган. Сур қўйлар Йўлбарс Шодмоновнинг отарида тўпланиб, танлаб урчитилиб кўзланган пировард мақсадга эришилган.

Қоракўли қўйларининг Сурхондарё сури янги зоти типи собиқ иттифоқ даврида ўзбек қоракўлчилигининг, жаҳон қоракўлчилигининг энг катта ютуғи сифатида эътироф этилганлигини, хўжаликнинг директори Мирхолиқ Менглиев, тадқиқотчи олим Николай Семёнович Гигинейшвили, бош зоотехник Хуррам Мингбоев, бош чўпон Йўлбарс Шодмонов ва бошқа мутахассислар 1982 йилда ана шу хизматлари учун фан ва техника соҳасида собиқ иттифоқ Давлат мукофотига сазовор бўлганликларини, бош чўпон Нурқул Йўлдошев «Меҳнат қаҳрамони» бўлди. Наслчилик борасида кўзланган мақсадларга эришилиб, хўжаликка жаҳондаги биринчи космонавт-учувчи Юрий Гагарин номи, Давлат наслчилик заводи мақоми берилгач эса, рангли қоракўли терилар берадиган қўйлар зотини, сонини кўпайтириш борасидаги ишлар янада жадаллаштирилди. Бу ерда кўк териларнинг Жанубий Ўзбекистон зоти типи, гулгаз сур терилар берадиган совлиқларнинг «Сайхон» 301 и типи, оқ қоракўли териларнинг «Оқ Гагарин» завод типлари яратилди. Сурхондарё сури янги зоттипи яратилгач, хўжалик Гагарин номли Давлат наслчилик заводи мақомига эга бўлган. Республикамиз Давлат мустақиллигига эришгач, миллий қадриятларимиз тикланганлигининг ёрқин намунаси сифатида, «Сайхон» қоракўлчилик наслчилик ширкат хўжалигига айлантирилган. Хўжаликка кейинги даврларда Алиёр Йўлдошев, Абдулазиз Самановлар раҳбарлик қилганликларини, айни пайтда Абдурайим Абдураҳмонов раислик қилаётганлигини айтиб ўтди. Сурхондарё сури янги зот типининг асосий негизини ташкил этган элита

классли платина совлиқлари отарига, 1969 йилда пенсияга чиққунига қадар, Йўлбарс Шодмонов бошчилик қилган. Сур қўйлари, қўчқорлари хўжаликнинг иккинчи ва учинчи фермаларида: Йўлдош Жўраев, Нурқул Йўлдошев, Султон Ғўччиев, Худоёр Алиқулов, Холли Чориев, Хонимкул Алиёров, Зариф Шодузов, Исмоил Бобоқулов, Мамат Жўраевлар бошлиқ отарларида боқилган.Хўжаликнинг биринчи фермаси кўк рангли терилар берадиган қўйларни боқишга ихтисослаштирилган. Кўк рангли қоракўли териларни қишқи иссиқкийимларинг ёқаларига, телпаклар тикишга (айниқса ҳарбий хизматчилар учун) ишлатиш жуда оммалашган, кўк териларга талаб катта бўлган.

«Сайхон» яйловларининг оқтупроқли ўтлоқлари унумдор. Ўт-ўланлар ниҳоятда турли-туман ва мўл бўлади. Баланд қирлар ва чуқур сойлар, бу яйловларни, муттасил шамолларнинг вайронакорлигидан асрайди. Ёз фасли ўта иссиқҳам, қиш фасли ўта совуқ ҳам бўлмайди. Хўжалик яйловлари, айниқса иккинчи, учинчи, тўртинчи фермаларининг ана шу паст-баланд рельефли яйловлари, кучли шамолларни тўсувчи тоғ, азим дарё   ҳавосинияйловларга олиб келувчи ва уларнинг ўтлокларига баҳор ва кузда тез-тез ёмғир ёғишига омил яратувчи Катта Сайхон, Оғзикенг сойи бу ерда жонли мўъжиза яратилишига: Сурхондарё сури зотининг туғилишига асос бўлган омиллардан яна биридир. Сурхондарё сури хўжаликнинг яйловлари тепаликлар ва сойликлардан иборат бўлган ана шу иккинчи ва учинчи фермаларида яратилган.

Сайхон хўжалигида чорвачилик ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли чўпонлар  Жўра Итолмасов, Равшан Итолмасов, Холбой Дўсматов, Йўлбарс Шодмонов, Нурқул Йўлдошев, Рахимқул Эшонкулов, Жўра Йулдошев, Тўра Пардаев, Эшбой Пардаев,  Зариф Шодузов, Мамат Жўраев, Умар Қулбоев, Нурқул, Бойқул Йўлдошевлар, Шерқул Йўлдошев, Хонимқул Алиёров, Султон ва Ҳамза Ғўччиевлар, Йулдош  Ғучиев, Султон  Ғучиев, Мамаримов Қўлдош, Номозбобо. Сафар Йўлдошев, Парда,  Хурсанд Ахмадовлар, Чўлли Каримов, Фармон, Абаш, Чори, Эшонқул, Ахмад, Раҳимқул каби чўпонларнинг хизматлари ватан равнақи ватарраққиёти учун қўшилган меҳнат самараси бўлиб, ёш чўпонлар учун ҳаёт мактаби ҳисобланди.

2013 йилда «Сайхон» қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалиги бошқаруви кенгашининг раиси, 13-Сайхон сайлов округидан халқ депутатлари Қумкўрғон туман кенгашининг депутати Абдурайим Абдураҳмоновнинг ташкилотчилиги туфайли Сайхоннинг иқтисодий қудрати янада ошди.

Қумкўрғон туманидаги Сайхон хўжалигида 2013 йилда тадбиркор мутахассис Абдушукур Абдижалилов бошчилик қилаётган 1-фермада 1907 бош, ташкилотчи, жонкуяр раҳбар Улуғберди Қулқораев бошчилик қилаётган 2-фермада 3123 бош, чорванинг жонкуяри Абдимурот Суюнов раҳбарлик қилаётган 3-фермада 1837 бош, серғайрат, ташаббускор йигит Рашид Пардаев бошлиқ 4-фермада 436 бош қўзи насл учун ўстиришга қолдирилди. Юқорида келтирилганидек, тўл олиш даврида, хўжалик бўйича жами она совлиқлар сони 9 минг бошни ташкил

этган бўлса, йилнинг ноябрь ойи ҳолатига кўра, она совлиқлар сони 10 минг 242 бошни ташкил этмоқда. Яъни, ўтган йилларда олинган урғочи қўзилар ҳисобига она совлиқлари  1 минг 242 бошга кўпайди. Сайхон хўжалиги 1-фермасидан Равшан Ражабов, Абдулла Ғўччиев, Чори Абдураҳмонов, Холпўлат Мамараимов, Хайрулла Ғўччиев, Тўйчи Мўминов, Бобомурод Ражабов бошчилик қилаётган, 4-фермасидан Қурбон Омонов, Чоршанби Мадатов, 3-фермасидан Абдулла Умбаров, Бўри Остонақулов, Рустам Йўлбарсов, Холли Худоёров, Мансур Алламуродов, Хуррам Жўраевлар бошлиқ, 2-фермасидан Юсуф Қурбонов, Шароф Йўлдошев, Холли Чориев, Рустам Каримов, Аъзам Мамашоев, Суюн Алиёров, Абдиқодир Нурқулов, Фарҳод Абдураҳмонов, Жуманазар Мамашоевлар раҳбарлик қилаётган оилавий пудратчиларда ҳар юз бош совлиқдан 105-110 бошга етказиб қўзи олишга, олинган қўзиларнинг 85-90 фоизини насл учун ўстиришга қолдиришга, бу қўзиларни яхши парваришлаб ўстиришга эришилди. Ушбу оилавий пудрат бошлиқлари наслчилик ишларини яхшилашга, жами қўй-у қўзилар сонини, шу жумладан наслдор совлиқлар, қўчқорлар сонини кўпайтиришга ҳар йилда катта ҳиссаларини қўшаяптилар.

Оилавий пудрат бошлиқларининг аксарияти машҳур чўпонларнинг фарзандлари, набиралар бўлиб, Биринчи фермадан Равшан Ражабовнинг  отаси, марҳум Номоз Ражабов машҳур илғор чўпон ўтган. Кўк қўй боққан. Ўттиз йилдан ортиқ хўжаликда бош чўпон бўлиб ишлаган. Ғўччиев Абдулла ҳаворанг кўк қоракўли тери жонкуярларидан бири, кўк рангли қоракўли қўй отарини қирқ йилдан ортиқ бошлиқ бўлиб боққан Йўлдош Ғўччиевнинг ўғли. Абдураҳмонов Чори хўжалигимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган моҳир чўпон, моҳир човоғон Шердон ҳожи Абдураҳмоновнинг ўғли. Мамараимов Холпўлат ҳам Ғўччиев Йўлдошнинг набираси. Укаси Қўлдошнинг фарзанди. Ғўччиев Хайрулла ҳам Йўлдошбойнинг фарзанди.

Халқимиз ҳурматига сазовар бош чўпон, моҳир, чапдаст човоғон султон Ғўччиев  Овули Кичик Сайхондан пастда, Оғизикенг тарафда, яйловлари турли ўтларга бой, серўт ҳудудларда платина сур қўйларини боқарди.

Сайхон хўжалигининг иккинчи фермадан Шароф Йўлдошев — хўжаликнинг ташкилотчиларидан, довруғини кўтарганлардан бири Йўлдош Жўраевнинг ўғли Сафар Йўлдошевнинг муносиб фарзанди. Сафар Йўлдошев отасидан чўпонлик таёғини олиб, жуда самарали, ҳалол меҳнат қилди. Бугун Шароф бобосининг, отасининг чўпонлик таёғини ардоқлаб меҳнат қилаяпти. Алиёров Суюн отангиз яратган, боққан платина сури элита отарини қабул қилиб олган Хонимқул Алиёровнинг ўғли. Платина сур элита отарини отангиз пенсияга чиққанларидан кейин, Сарилло Ўринов қабул қилиб олганди. Сўнгра бу отар Хонимқул Алиёровга берилган.

Сайхон хўжалигининг учинчи фермасининг илғор чўпони Рустам Йўлбарсов ҳар баҳорда ҳар юз бош совлиқ ҳисобига 105 тадан қўзи олишга, 273 бош қўзини насл учун ўстиришга қолдиришга эришди. Шу фермадан илғор чўпон Умбаров Абдулла машҳур чўпон, чорванинг сонини кўпайтиришга катта ҳисса қўшган Умбаров Эшқобил бобонинг ўғли. Худоёров Қудрат элда яхши обрў қозонган Худоёров Қулбой бобонинг ўғли. Уларнинг барчаси оталарининг, боболарининг илғорлигини, довруғини давом эттириб, хўжалигимизнинг ютуқларига катта ҳиссаларини қўшаяпти. Тўртинчи фермада илғор чўпон

Омонов Қурбоннинг отаси Омонов Холиёр бобо узоқ йиллар бош чўпон, ферма мудири бўлиб ишлаган. Элга катта меҳнат, хизмат қилган тадбиркор, ташкилотчи инсон. Унинг бошчилигидаги Мирза Нормўминов, Тожи Қулқораев, Тўра Худоёров каби ветеринария ходимлари барча оилавий пудратчиларнинготарларида профилактик эмлаш ишларини ўз вақтида тўлиқ, талаблар асосида ўтказдилар. Чорвадорларимизнинг, оила аъзоларининг саломатликларини сақлаш ишлари ҳам намунали ташкил этилган. Барча фермаларининг марказидаги ўрта мактабларда чўпонларнинг фарзандларига таълим-тарбия берилиб, бу мактабларга Карим Чориев, Тожимурод Даллиев, Умбар Холбоев, Алиёр Мадатовлар директорлик қилди. Тожимурод устоз муаллим Далли Келдиёровнинг ўғли. Алиёр домла довруқ қозонган бош чўпон Мадатов Чорибойнинг ўғли.

Нурқул Йўлдошевнинг отаридаги қўйлар отарда туғилган сур қўзилардан ташкил топганди. Қўй қочириш даврида, бир сурув қўй Эшбой Пардаевнинг сурувига, тунда яйловда ёндош келиб қўшилди. Ўшанда тажрибали чўпон Эшбой бобонинг ҳам мардлигига, билимдонлигига туфайли қўйлар пунктга келтириб қўрага қамалиб сурувлардаги қўйлари бирма-бир таниб айириб олииб, пировардида санаганларида икки тарфни қўйларининг сони тугал чиққан.

Таниқли чўпонлар Қулқора бобо, Эшбой бобо, Тўра бобо Пардаевлар табаррук, меҳнатсевар, фидоий инсонларни бўлиб, хўжаликнинг энг донгдор чўпонларидан бўлиш билан биргаликда эл ишига фидокор, ўқимишли, муносиб фарзандларни тарбиялаб, камолотга етказишган.

Қулқора бобонинг Омон, Бекпўлат исмли ўғиллари хўжаликнинг илғор чўпонлари ҳисобланишиб, кейинги ўғиллари Алихон Қулқораев, Қурбон Эшбоев, Қурбон Йўлдошев, Сулаймон Нурқулов ва Рамазон Йўлбарсов билан бир даврда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирганди. Ана шу бешовлон йигит чорвадор хўжалигимиздан, чўпон оиласидан чиққан биринчи талабалар эдилар. Шу даврда Очил Холбоев тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирган. Улар чўпон фарзандларига олий таълим мактабларига кириб ўқишларида, келажак ҳаётларини белгилашларида йўлчи юлдуз бўлишган. Бизлар улардан катта ибрат намунаси бўлганликлари учун миннатдормиз. Қулқора бобонинг Соҳибназар ўғиллари, Тўра бобонинг Чоршанби ўғиллари, ўқитувчи бўлиб етишдилар. Бу мавзуда Эшбой Пардаевнинг оиласидан етишиб чиққан олий маълумотли кадрлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтиш зарур. Чўпон Эшбой Пардаевнинг оиласидан олти нафар олий маълумотли мутахассислар етишиб чиқишган ва улар энг масъул раҳбарлик, бош мутахассислик лавозимларида ишлаб келишган.

Оиланинг тўнғич фарзанди Қурбон Эшбоев фан номзоди. Совет иттифоқ даврида партия, совет органларида биринчи раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Республикамиз давлат мустақиллигига эришгач, Сурхондарё вилояти иқтисодиёт бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган. Иброҳим Эшбоев олий маълумотли шифокор. Сурхондарё вилоятининг Бандихон, Қизириқ туманларида бош врач бўлиб ишлаган. Эшбоев Бўри олий маълумотли агроном, маъсул вазифаларда, жумладан, “Сайхон” хўжалигида раҳбар бўлиб иш олиб борган. Эшбоева Турдихол педагог. Пардаев Ҳаким қурувчи-

инженер. Вилоят нефт  маҳсулотлари бошқармасининг ходими. Пардаев Алимардон олий маълумотли  инженер – мелиоратор. Маъсул раҳбарлик, бош мутахассислик вазифаларини бажарган. Айни пайтда коллеж директори.

Хўжаликнинг бош чўпони Эшбой Пардаев, турмуш ўртоғи Бибигул Авазова билан, чорвачиликни ривожлантириш, илғорлар сафида бўлиш билан биргаликда фарзандларини ана шундай етук  мутахассис кадрлар қилиб тарбияганликлари ҳар жиҳатдан  ибратлидир. Бу ҳалол, фидокорона меҳнат, ибратли оила самарасидир.

Меҳнаткаш чўпонлардан Хонимқул Алиёров, усто Бўриқул Абдураҳмонов, бош чўпонлар Худоёр Алиқулов, Ҳасан Алиёров, қурувчи-раҳбар Тошпўлат Холбоев, далачилик бригадири Мамаражаб Бердиев, ветеринария ходими Эшқурбон Бозоров, етук мутахассис Тоштемир Йўлдошев, фидоий инсон Шойим Каримов, бош чўпон Зариф Шодузов, бригадир Жума Раҳмонов, иқтисодчи Кенжа Чориев, тадбиркор фидоий мутахассис Тожибой Мустафоев, ажойиб инсон Кўчим Нозимов, шофёрлар Мирзо Ҳайитов, Алмирзо Қорабоевлар, уларнинг исмларини юзлаб келтириш мумкин, хўжаликнинг тараққиётига жуда катта улуш қўшганлар.

Жумладан. Сурхондарё сури зоти янги тип катта машақатли меҳнат эъвазига яратилиб, жаҳон савда бозорларда ва ярмаркаларида катта эътиборга сазовар бўлди: бу қимматбоҳо дур-гавҳарларга Платина-оқ олтин, Янтар-қаҳрабо, бронза-жез, Антрацит-ялтироқ қора тош, Песочный-қумранг, Сапфир турлари яратилганлиги, Ўзбекистон кўк қоракўли терисининг  голубой-ҳаворанг, жемчужиный-марварид ранг, серебристый-кумушранг турлари қайд этилган. Шунингдек, қоракўли териларининг бриллиант гавҳар ранг завод типи, оқ қоракўли завод  типи (Гагарин оқ қоракўли) терилари яратилганлиги ҳам таъкидланган.

Боботоғ  кўк қуйи завод типининг яратилиши кўк рангли қоракўли қўйлар қуруқ ва иссиқ чўл  шароитида яшашда, сур қўйларга нисбатан ожизлик қилар, уларнинг қўзилари ёзнинг иссиқ даврига етгач, лаблари, тиллари оқариб қорни шишиб касалланиб қоларди. Николай Гигинейшвили чорванинг ҳақиқий жонкуяри, сеҳргар ижодкори эди. У ана шу  кўк зотли қўйларни тоғ кийиги билан чатиштириб қчириб қўйларнинг иссиқ чўл шароитига чидамли янги кўк зотини яратишга астойдил киришди. Термиз шаҳридаги ҳайвонот боғидан бир арҳар қўчқорини олиб келтирди. У икки яшар бўйдор буқадек келар, ўзи сиғиб турган хонага баҳайбат, бурама шохлари сиғмайдиганга ўхшарди. Икки метрча баландликдаги кичкинагина деразадан сакраб чиқиб, кенгликлар томонга чақмоқдек учиб кетишга чоғлангандек бўлаверарди. Бизлар уни томоша қилиб тўймасдик. Николай бобо ана шу тоғ қўчқоридн насл олиб кўк қўйларни сунъий усулда қочирди. Куздаги тажрибанинг натижаси баҳордаёқ яққол кўринди. Тоғ қўчқоридан қочирилган чўл кўк қўйларининг қўзилари думбалари учбурчак шаклида, жунлари қизғиш кўкиш тусли, ўзлари худди тоғ кийикларидай ҳуркович, чаққон, ниҳоятда соғлом, тетик эдилар. Шу асосда соғлом, касалликка чалинмайдиган Боботоғ кўк қўй зоти яратилди. Аммо, қўзилари терисининг қоракўллик даражаси паст эди.

Шунингдек, хўжаликда, Янги ясси гулли платина—оқ олтин қоракўли завод типи ҳам яратилган. Рангли қоракўлитериларнинг юқорида қайд этилган заводтипларини яратгапликлари учуп илмий бошқарувчи Н.С.Гигинейшвили, директор М.Менглиев, бош зоотехник Қ.Йўлдошев, бош селекционер зоотехник Х.Мингбоев, селекционер зоотехник К.Н.Серебрянская, зоотехниклар М.Раҳимкулов, Ж.Ғўччиев, Ҳ.Қорабоев, Х.Мадатов, Р.Итолмасов, бош чўпонлар Й.Шодмонов, Б.Ўтаев, Н.Эргашев, С.Юлдошевлар Давлат авторлик гувоҳномаларини олганлар.

Николай Гигинейшвили, Мирхолиқ Менглиев, Хуррам Менгбоев, Йўлбарс

Шодмонов қоракўли қўйларининг Сурхондарё сури янги зот типини яратганликлари учун 1982 йилда фан ва техника соҳасида собиқ иттифоқ Давлат мукофотига сазовор бўлганлар. Нуркул Йўлдошевга «Меҳнат қаҳрамони» унвони берилган. 1976 йилда Германиянинг Лейпциг шаҳрида ўтказилган ярмаркада Сурхондарё сури янги зот типига олтин медал берилган.

Бир туп дарахтнинг бўйи-бастини, шу даражага қандай тишганлигини, қудратини, ҳаётдаги ўрнини, аҳамиятини тулиқ тасаввур қилиш, англаб етиш учун унинг атрофидаги; ёнларидаги, олди ва орқасидаги катта-ю кичик дарахтларни ҳам кўра билиш керак. Ана шунда қиёслаш, таққослаш, нисбатлари орқали дарахтни тўлиқ англаб етамиз. Унга муносиб, тўлақонли баҳо берамиз. Қоракўли қўйларининг Сурхондарё сури янги зот типи ҳам, олис ўтмишдан бери, жаҳон цвилизацияси билан маҳкам, яқин алоқадорликда ривожланиб келаётган, дунё ахли томонидан юксак даражада эътироф этилган адабий, илмий, маънавий, маданий, миллий, иқтисодий қадриятларимиздан биридир. Зеро, қоракўли терилар азалдан халқимизнинг олтин, пахта, ғалла қаторидаги катта миллий бойлиги саналган. Бу ердаги маълумотларда келтирилишича, хўжаликда Морозов 1928-1929 йилларда, Ремезов 1929-1936 йилларда, Сальников 1936- 1941 йилларда, Седов 1941-1942 йилларда, Мирзабеков 1942-1943 йилларда, Максимов 1943-1945 йилларда, Туров 1945-1948 йилларда, Шергазин 1948-1950 йилларда, Менглиханов 1950-1953 йилларда, Кулигин 1953-1957 йилларда, Зиёдилло Эргашев 1957-1974 йилларда, Мирхолиқ Менглиев 1974-1985 йилларда, Қурбон Йўлдошев 1985-1989 йилларда, Алиёр Йўлдошев 1989-1991 йилларда, М.Менглиев 1991-1995 йилларда, Парда Шерқулов 1995-1999 йилларда, Бўри Эшбоев 1999-2002 йилларда директор бўлиб ишлаганлар. Мактабда хўжалик ҳақидаги мана шундай қимматли маълумотлар тўпланганлиги, сақланиб келинаётганлиги ниҳоятда ибратли, диққатга, таҳсинларга сазовордир.

Илм даргоҳида ташкил этилган музейга кирган одам чўпонларнинг азалий кўчманчи ҳаёти, халқ амалий ҳунармандчилиги, қадимий ўймакорлик, заргарлик, каштадўзлик санъати ҳақида анчагина мукаммал таассурот олади. Бу ерда мактабнинг ташкил этилиши, фаолияти тарихи тўғрисида ҳам мукаммал, қимматли маълумотлар келтирилган. Мактабнинг, дастлаб 1928 йилда, Шўрчи тумани ҳудудида 6-сонли (юшланғич илм даргоҳи сифатида иш бошлаганлиги, илк даврда уида 9 нафар ўқитувчи бўлиб, 123 нафар ёшлар таълим-тарбия олганликлари қайд этилган. Мактабга Армузин директорлик қилган бўлиб, унда асосан чаласаводликни тугатиш мақсадида 10-15 ёшли болалар ўқитилган. Мактабнинг ўқитувчилар жамоаси,

ўқув биносининг ночорлиги, ўқув қуролларининг етишмаслиги, сииф хоналарида машғулотларнинг ўтказилиши учун шарт-шароитлар, айниқса қиш фаслида жуда ёмонлиги, оғирлигига қарамасдан, ёшларга ўқиити, ёзишни сабот, қунт, фидоийлик билан ўргатишган. Ўша даврларда, ўқитувчилик ҳам, янги ташкил этилган хўжаликда, кимсасиз яйловларда қишнинг совуғида, ёзнинг жазирама иссиғида якка-ёлғиз юриб қўй боқишдек, ҳақиқий жасорат, фидоийлик бўлган. Кекса педагогларнинг ҳикоя қилишларича, болаларни, айниқса қизларни мактабга, ўқишга жалб этиш қийин бўлган. Чорвадорлар ҳаёти, чўпон оилаларининг олис яйловларда тарқоқ ҳолда яшаши, кўчиб юриши болаларнинг мактабга қатнаб ўқишлари учун ҳам қийинчиликлар туғдирган. Юпун кийинган ўғил ва қиз болаларнинғ бир неча чақиримлаб йўл босиб, кимсасиз, хилват қир-адирлардаи ошиб мактабга, айниқса қишнинг совуқларида қатнашларини тасаввур қилиш ачинарлидир. 1957-1961 йилларда Катта Сайхондаги бошланғич мактабда ўқиганимизда, Кичик Сайхоннинг Тибет, Кўрқудуқ тарафларидаги чўпон оилаларининг фарзандлари, мактабга, 6-8 километрлаб йўл босиб келишарди.

1961 чилда иккинчи ферма марказидаги бошланғич мактабни тугаллаб, хўжалик марказидаги интернатда яшаб шу ердаги ўрта мактабда ўқишни давом эттира бошлагач, самарали таълим-тарбия олишимиз учун ниҳоятда катта имкониятларга эга бўлдик. Хўжаликнинг барча фермаларидан келган болалар бир қадар яхши жиҳозланган интернатда яшардик. Кунига уч маҳал овқатланишимиз, дарс тайёрлашимиз, спорт билан шуғулланишимиз учун жуда яхши шароит яратилганди.

Мактаб йил сайин кенгайиб, ўқув-техника базаси мустаҳкамланиб борган. 1934 йилга келиб мактабда 25 нафар ўқитувчи ёшларга сабоқ берган. Ўқувчилар сони 235 нафарга етган. 1977 йилда Қумқўрғон тумани ташкил этилгач, мактабнинг ҳудуди янги туманга ўтган ва унга янги туманда, 19-сон берилган. Ушбу жумлаларни ёзарканман, шу мактабда биргаликда таълим-тарбия олган синфдош дўстларимнинг ҳам ўқишларидан, малакали мутахассис, раҳбар кадрлар бўлиб етишиб жамиятдан муносиб ўринларини эгаллаганликларидан кўнглим фахр ва ифтихор туйғуларига тўлди.

## САЙХОН ДОСТОНИ

Сайхон чўли, болалигим кечган сўлмас гулзорим,

Отажоним умри ўтган кутлуғ, азиз диёрим,

Қабул айла табригимни, юракдаги изҳорим,

Сурхондарё сур зотига олий баҳо муборак,

Сур зотига олам аро, олий унвон муборак.

Олис тарих, ўтган кунинг кўз олдимга келади,

Оғир кунлар хотираси аччиқ тиғдай тилади,

Фарзандларинг жасорати қалбимга куч беради,

Қаҳрамонлик тарихингдан дилда туғён муборак.

Сурув ҳайдаб чўпон келди Қашқадарё томондан,

Бухородан, Қатаған-у она Хўжахайрондан,

Бойсун тоғдан, қадим Ғузор, сўнгсиз чўлдан—Нишондан,

Бир эл бўлди, таом еди ҳаммаси бир қозондан.

Меҳнат қилиб иқбол топди қутлуғ яйлов-Сайхондан,

Қучоғингда макон топган дўст-у ёрон муборак.

Чўпонларинг Сурхондарё сур зотини яратди,

Сур қўзилар, қуёш бўлиб, оламга нур таратди,

Жаҳон аҳли кўзларини сен томонга қаратди,

Илм-у ижод, ҳалол меҳнат берган имкон муборак.

Юракларда нурдай балқди юртга меҳр-у ҳамият,

Сур қўйларни сақлашдир мисли миллий қадрият,

Сўймадилар, сотмадилар, йўл қўймади орият,

Сур зотига имкон бўлган тоза виждон муборак.

Қишин-ёзин кеча-кундуз яйловда қўй ҳайдаган,

Қир адирлар шамолига кўкрак кериб яйраган,

Сур қўйларни юракдаги иймон қадар асраган,

Оқибатли, мард, фидоий ҳазрат инсон муборак.

Ота номин оқлаганни доим қўллайди Худо,

Сур қўйларни ардоқлаган аждодларга тасанно,

Доим улар меҳнатига берилган юксак баҳо,

Сур терилар доврутдан кўнгил шодон муборак.

Йигирма уч ёшидадир миллий истиқлолимиз,

Асрларга татигулик бахтимиз, иқболимиз,

Олам аро гуллаб яшнар обод, ҳур диёримиз,

Шу Ватанда чўпон топган шараф-у шон муборак.

Бойсунтоғни кесибўтди янги темир йўлимиз,

Қумқўрғонга етиб келди учар поездларимиз,

Ҳур Ватанга бағир очди янги бойликларимиз,

Нурли манзилларга етган катта карвон муборак.

Ўзбекистон—азиз Ватан, онам каби суюксан,

Юрагимга қувват берган иймон қадар улуғсан,

Ўтмиши зўр, бугуни ҳур, келажаги буюксан,

Қудратингга қойил қолган жумла жаҳон муборак.

Кўнгилларга нур бағишлар истиқлолнинг чироғи,

Олам аро ҳилпирайди Ўзбекистон байроғи,

Омон бўлсин ҳамкорлари, дўсти, содиқ ўртоғи,

Она Ватан, иқболингга бу садқа жон муборак.

Бормоқдамиз келажаги буюк давлат йўлидан,

Катта қудрат, ижод келар озод халқнинг қўлидан,

Фаровонлик файзи тошар юртимнинг ўнг-сўлидан,

Ҳаёт файзли, умр шодон, юрт чароғон муборак.

Оппоқ чинни каптар учар юртнинг тинч осмонида,

Озод халқим шодон яшар хур Ватан бўстонида,

Ой-у қуёш қўйнидаги бу жаҳон майдонида,

Келажаги буюк давлат Ўзбекистон муборак.

Расул Оллоҳ, қўй боқинг, деб қилган экан каромат,

Чорвадорлик Муҳаммаддан бизга қолган иноят,

Қишин-ёзин яйлов кезиб бўлгин соғ-у саломат,

Элим, сенга, чўпон деган олий иишоин муборак.

Чўпонларнинг лафзи ҳалол, қатъий қарор, сўзи бор,

Ҳар қўйининг орқасида иккитадан қўзи бор,

Хизир кезган яйловларда отажоним изи бор,

Боболардан қолган қутлуғ, азиз макон муборак.

Сайхон чўли яйловлари қуёш билан ўралган,

Осмон нури қир-адирга шаршарадек таралган,

Платина, бронза-ю янтардек сур терилар,

Ой-у қуёш, юлдузларнинг нурларидан яралган.

Сур совлиқлар сузиб юрган нурли уммон муборак.

Она Сайхон, таъриф айлай олис яйловларингни,

Сур терига жило берган сирли ўтлоқларингни,

Жонли гавҳар, олтин, кумуш сур қўзичоқларингни,

Турна қўнган қирларингга жоним қурбон муборак.

Бу чўлларда баҳор фасли бошланади Сайхондан,

Учқудуғ-у Ўклан томон яшнаб кетар кўкламдан,

Полвонтошнинг чим ўтлари ошибўтар тиззамдан,

Шундай фасл ҳеч кетмасин озод, обод ўлкамдан,

Калдирғочлар чарх айлаган тоза осмон муборак.

Ёмғир ёғиб, она қуёш нурларини элайди,

Қирларингда нўхатаг-у читир, шивит гуллайди,

Қизғалдоқлар уммонига боқиб кўзим тўймайди,

Турфа қушлар базм қурган жўшқин бўстон муборак.

Баҳор фасли Оғзикенгдан майин шамол елади,

Сўнгсиз яшил яйловлари баракага тўлади,

Ҳар бир сойдан сурув-сурув қўй-у қўзи келади,

Худо берган тўкис давлат, мангу эҳсон муборак.

Қирда унган қизғалдоқда қизамиққа даво бор,

Чолобота сувларида қўзи, қўйга шифо бор,

Чордағалда Амударё томондан хуш сабо бор,

Чўпонларнинг тилларида яхши ният, дуо бор,

Эзгуликдаи яшнаб турган шу нуристон муборак.

Ёз фасли ҳам яйловларинг оро берар ўзига,

Каррак, шўра, сутламалар чиқар ернииг юзига,

Келинжўров, оққуврайлар тошар қирттгустига,

Исфаракгул зеб беради қирнинг соя бетига,

Мангу кўклам, мангу шодон, эл фаровон муборак.

Сур қўйларни куз фаслида Узунсойда боққанман,

Бўтакўзиинг гулларига ҳайрат билан боққанман,

Куллисойда, ой нурида, кўкка боқиб ётганман,

Юлдуз тўла Сомонйўли дарёсида оққанман,

Момиқларнинг, ҳандалакдек, ҳидларидан қонганман,

Дилим шайдо, мен ўзим ҳам бу чўлларга ёққанман,
Менга илҳом, қувват берган ул каҳкашон муборак.
Кир устига қишда, қуруқ, кўм-кўк пичан сочардик,
Гўё совуқ, оқ маъвога баҳор сепин ёзардик,
Қатларидан қуриб қолган турфа гуллар терардик,
Қишин-ёзин яшнаб турган шу гулистон муборак.
Инсонларнинг ризқ-у рўзи она ерга сочилган,
Чўпонларнинг дастурхони доим катта очилган,
Меҳмон учун тансиқ таом қишин-ёзин топшган,
Ош устига келган яхши, азиз меҳмон муборак.
Баҳор чоғи яйловларда ўт-ўлан мўл бўлганда,
Совлиқларнинг елинлари қуюқ сутга тўлганда,
Қўшхонага кўнгил тортиб, бир дўст йўқлаб келганда,
Дастурхонда қақаноғ-у тотли сағон муборак.
Ёз ойлари ўтлар шира, тўкис донга тўлганда,
Тўлин ой ҳам сутдай илиқ нурларини тўкканда,
Кенг яйловда сурув ҳайдаб, дўст-у ёр жам бўлганда,
Хуржундаги қорин тўла, чўпон айрон муборак.
Отам кузда «эгиз қўзи» удумини қиларди,

Кўчқорларнинг шохларида қўшша қовун ёрарди,

Чўпонларга ҳар кун ора шўрва қилиб берарди,

Дастурхонда гўшт, ёғ тўла катта корсон муборак.

Аҳли аёл, баҳор чоғи, совлиқларни соғарди,

Гуппи пишиб хумлар тўла сариёғлар қиларди,

Қиш оқшоми дастурхонга жасмол қилиб қўярди,

Сариёққа уваланган оқ иссиқ нон муборак.

Ҳар фаслнинг такрорланмас хислати бор, файзи бор,

Ўз ҳавоси, ташвишлари, таомлари, завқи бор,

Яйловларда боболарнинг удумлари барқарор,

Она ернинг иқлимида тўртта томон муборак.

Совлиқларнинг биқинлари ёққа тўлиб битганда,

Сурувларга қўчқор қўшиш вақти етиб келганда,

Оқшомлари яйловларга ёмғир ёғиб турганда,

Қўшхонада қайнаб турган қозон, қумғон муборак.

Куз фаслида бутун олам камолотга етганда,

Тўлин ой ҳам кўкда порлаб белга қувват берганда,

Ўтар юрган чўпон йигит ўтовига қайтганда,

Остонада кутиб олган қоши камон муборак.

Чўпон йигит қўйларини якка боқиб юрганда,
Ой-у юлдуз унга ҳамроҳ ҳам мададкор бўлганда,
Қўйларига бўри, қашқир, тулки таҳдид қилганда,
Қаватида Бўрибосар, қайтмас Сирлон муборак.
Азим тоғда чашма, булоқ - қайнаб турар маъво бор,
Ҳар бирининг сувларида минг бир дардга даво бор,
Оёқ етмас чўққиларда оҳу, деган зебо бор,
Пештоқига қуёш қўнган юксак айвон муборак.
Ҳар кимсанинг дилида бир қувончи бор, дарди бор,
Айриликдаи одам ўлмас, юрагида сабри бор,
Тоғ олдида, қабристонда, онажоним қабри бор,
Она. Сизга, кўзда ёшим маржон-маржон муборак.
Тибетсойнинг қўлтиғида қўй-у қўзи боққанман,
Узунқудуқ дарасида каклик, каптар тутганман,
Кўрқудуқнинг қирларида қумғонга ўт ёққанман,
Чўнонларга паноҳ бўлган шундай қўрғон муборак.
Шўрқудуқнинг қирларига чиқдим, кўнглим илинди,
Куёш келиб бошгинамга қўнганлиги билинди,
Дунё яна кўзларимга чексиз, ёруғ кўринди,

Кенг оламга назар берган шундай имкон муборак.

Катта Сайхон довонидан ўтдим, дилда эъзози,
Товонимдан пастда қолди сор бургутлар парвози,
Кулоғимга ҳамон келар тўрғайлари овози,
Ҳар кимсага ошиб ўтган юксак довон муборак.

Булоқларнинг муздай зилол сувларидан ичганман,
Сайхон чўли қудратини мен ҳам англаб етганман,
Қирларидан лола, райҳон, қизғалдоқлар терганман,
Сулув қизга чўлдан келган лола, райҳон муборак.

Сайхон сойи азим дарё — Амугача етади,
Ундан дарё шамоллари яйловларга оқади,
Ёмғир бўлиб, булутлардан, қир-адирга ёғади,
Чўлга оби-ҳаёт бергаи она Сайхон муборак.

Ўртасойда, Шўрқудуғ-у Тибет ўтлоқларида,
Тоғ тарафда-қир бағрида, Кўкшол овлоқларида,
Узунсойда, Қизилчада, Оқтош яйловларида,
Кўй боққанлар иқбол топар, бахтли замон муборак.

Юртбошимиз раҳнамодир, обод бўлди чўллари,
Меҳнатидан қуввати зўр, кўкка етар қўллари,

Лалмикордан Сайхонгача асфальт бўлди йўллари,

Истиқлолдан толеи ҳур, йўли равон муборак.

Чўпон қизи кўзгудаги ўз аксига тўймайди,

Бобомерос таёғини чўпопн қўлдан қўймайди,

Бу чўлларда юрганларни Чўпонота қўллайди,

Тилда калом, ширин салом, аҳд-у паймон муборак.

Яйловларнинг табиати сирларини ечганман,

Қўзигулнииг лабларидан қор сувини ичганман,

Қизғалдоқлар уммонида сархуш бўлиб кечганман,

Қир-адирга томиб турган абри **иайсон муборак.**

Фахр этаман, яйловларда, мен ҳам қўйлар боққанман,

Туя миниб, қудуқлардан, сурувга сув тортганман,

Чўпон кабоб, кўмма ноннинг таъмини кўп тотганман,

Сайхон чўли қуёшига, ҳавосига қонганман,

Ёшлик даврим шодон кечган баҳористон муборак.

Сайхон чўли яйловлари кўз ўнгимдан ўтади,

Турна қўнган яшил қирлар тушларимга киради,

Кулоғимга тўрғайларнинг қўшиқлари инади,

Димоғимга момиқларнинг хушбўй ҳиди келади,

Чўпон элим, яйловингга бахшида жон муборак.

Сурхон элим, доруломон кунлар, мана, етишди,

Ўғилларинг Алпомишдай полвон бўлиб ўсишди,

Ой қизларинг Барчинойдай ойдай бўлиб тўлишди,

Фарзандларга камол берган озод даврон муборак.

Кўкда учган қарчиғайни қарға, кузғун тутолмас,

Ўғлонларинг от чопганда ҳеч бир жўмард етолмас,

Тақимидан улоғини рақиб тортиб ололмас,

Кўпкарида соврин олган мард човоғон муборак.

Ўғилларинг бари полвон, танти, ҳалол сўзи бор,

Елкасида Ҳазрат Али панжасининг изи бор,

Давралардан ғолиб чиқар, доим ёруғ юзи бор,

Елкалари ер кўрмаган ғолиб полвон муборак.

Ой қизларинг юрт ишига доим тайёр, фидокор,

Мард спортчи, моҳир деҳқон, соҳирнафас санъаткор,

Барчинойдай ой юзли ёр, садоқатли, вафодор,

Парвозингга қанот бўлган қиз-у жувон муборак.

Тўполондан, Сангардакдан қувват олиб қайнагаи,

Тубларида минглаб булоқ, тилло балиқ ўйнаган,

Сувларидан катта воҳа баҳра олиб яшнаган,

Фаровонлик, бахт келтирган она Сурхон муборак.

Она Сайхон, омон бўлсии ғолиб, танти чўпонинг,

Зарра ғубор, гард кўрмасин, нурга тўла осмонинг,

Сурхондарё сур қўйига тўлсин чексиз яйловинг,

Элга шараф, шон келтиргаи бедор чўпон муборак.

Чўпон укам, насиҳатим, ёруғ сақла юзингни,

Фидокор бўл, тоза тутгин танинг билан лафзингни,

Қашқирларга олдирмагин, ҳалол қўй-у қўзингни,

Тавоб айла, муқаддас бил она Сайхон чўлини,

Унда сенга ҳамроҳ бўлган боболаринг руҳини,

Кўзларингда порлаб турган нури иймон муборак.

Кўз қорангдай асра, ука, Сурхондарё сурини,

Оллоҳ бизга ато этган илоҳиёт нурини,

Табиатнинг мўъжизаси-тирик олтин, дурини,

Зебо яшил қирларингга тилло маржон муборак.

Ҳалол бўлсанг, аждодларнинг пок руҳлари қўллайди,

Меҳр берсанг, бирор улоқ, бирор қўзинг ўлмайди,

Яйловларинг, ўтлоқларинг эрта хазон бўлмайди,

Яхшиликдан яшнаб турган шу гулистон муборак.

Ҳеч ўчмасин, ота-онанг ёққан ҳаёт чироғи,

Хор бўлмасин боболардан қолган чўпон таёғи,

Серўт бўлсин, серсув бўлсин қўйларингнинг ўтлоғи,

Сенга Жўра Йўлбарс ёзган ушбу достон муборак,

Йўлбарс чўпон ўғли сенга ёзган достон муборак.

12 сентябрь 2014 йил.

Тарихчи Ж.Кунитс Бухоро амирлигининг маъмурий тузилмаси ҳақида тўхталиб, Амирнинг ҳокимияти мутлоқ эди. Турли муассасалар бошлиқлари, ҳокимлар у томонидан тайинланар ва фақат унга масъул эди. Муаллиф сўзида давом этиб,- «Мамлакат маъмурий бирлашмалар-вилоятлар, туманлар ва қишлоқларга бўлинарди. Маъмурий амалдорлар беклар, амлакдорлар, оқсоқолар эди. Ислом одатига кўра ҳар бир бекликда раислар ва унга итоат этувчилар мавжуд эди. Молиявий бўлим эса закотчилар-марказий ва маҳаллий солиқ йиғувчилар томонидан бошқариларди, ҳар қайси беклик ўзининг суд аппаратига эга бўлиб, у бош қози ва унга бўйсунувчи қозилардан, шунингдек муфтидан иборат эди, ҳамма идоралар амир назорати остида эди. Амир солиқ тўламасди» деб фикр билдиради.

Рус олими А.Губаревич-Радобьшьскийнинг маълумотларига қараганда, амирликнинг 20000 минг кв. верст суғориладиган ерлари бор эди. Аҳолисининг сони 250 минг киши бўлиб, қишлоқ хўжалигида банд ҳар бир эркакка (300-400 минг) 4-5 десятинадан ер тўғри келган. Амирликда ер танқислиги ниҳоятда юқори даражага етиб Бухоро амирлиги таркибидаги Бойсун беклиги иқтисодиётида хам қишлоқ хўжалиги етакчи ўринни эгаллаган ва амирлиқда қишлоқ хўжалиги маълум даражада бўлса-да, ривожланган бекликлар саналган. Буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (ҳосилдорлик минг ботмон ҳисобида):

| | | | | | | Донли |
|---|---|---|---|---|---|---|

| Бекликлар | аҳоли сони (минг киши) | Буғдой (минг ботмон*) | Арпа (минг ботмон) | Бошқа донли экинлар | Уруғ | Экин-ларнинг буғдойга нисбати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Бойсун | 30 | 40 | 20 | 8 | 3 | 47 |

Маълумки, Сурхон воҳаси «Шарқий Бухоро ерлари» деб аталган, тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда, Шарқий Бухорода деҳқончиликдан кейин чорвачилик етакчи мавқени эгаллаган. Албатта, чорвачилик учун қулай об-ҳаво ва кенг яйловнинг бўлиши унинг ривожига кенг имкон берган. Чорвачилик нафақат озиқ-овқат маҳсулоти, балки воҳанинг ички ва ташқи савдосида муҳим ўрин тутувчи соҳа саналган. Савдогар С. Мазовнинг маълумотларига қараганда, Бухоро амирлигининг 6000000 бош қўй ва эчкиси бор экан. Мазкур даврда Бойсун беклигида қуйидаги миқдорда чорва моллари бўлган:

| Бекликлар | туя (бош) | Шохли мол (минг бош) | от (минг бош) |
|---|---|---|---|
| Бойсун | 1000 | 30 | 25 |

Бухоро амирлигида қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликнинг ривожланиши натижасида чорва маҳсулотларининг нархи ҳам унчалик юқори бўлмаган. Масалан, 1 ботмон буғдой 15 танга; гуруч 22 танга; арпа 8 танга атрофида баҳоланган.

Тарихчи олим Энкаузе XIX асрда Бухорода ҳаёт ерга боғлиқ бўлганлигини таъкидлаб, аҳолининг 90 фоиз қишлоқ хўжалиги билан банд эди, деб ёзиб «Амирликда XVI асрдан бери маълум бўлган аграр ташкилотлар шакллари давом этарди. 12.2 фоиз ер амрининг шахсий мулки, 55,8 фоизи вақф ерлари,7,8 фоизи эса аҳолиги тегишли бўлиб, мавжуд ерлар 3 та шаклга:

1.давлат мулки, 2.шахсий мулк, 3. вақф ерларига бўлинганлиги ҳақида маълумот келтиради.

Бошқа бир тарихчи эса бу ҳақида тўхталиб «Барча ерлар амир ёки хонга тегишли эди. Шунингдек, тақсимланган ерлар 4 та шаклга бўлинарди: 1.давлат ерлари, 2 хонга тегишли ерлар, 3. Ишлатилмайдиган ерлар, 4. ҳаробозор ерларга бўлинган. Бухоро хонлигида- Ўрта асрчилик бошқарув тизимининг узок сақланиши тараққиёт ва кушни куч-кувватга салбий таъсир

кўрсатади. XIX аср бошларида чўяндан қуйилган бир неча тўп бўлган. Сарбозлар ўқ-ёй, найза, қилич, ойболта каби қуроллар билан қуролланган. Хонликда қўшин асосан отлиқлардан ташкил топган. XVIII аср охиридаги маълумотларга қараганда Бухоро хонлигининг 10 минг қишилик қўшин тўплаш имконига эга бўлган. XIX асрнинг 30 йилларида ёлланма аскарлар сони 19 минг киши бўлиб, улар хизматини турли шаҳар ва ҳарбий истехкомларда ўтаганлар.

Бойсун ҳақида «Зафарнома» асарида тўхталиб ўтилган. XIX асрда Бойсун Сурхондарёдаги 3 та бекликдан бири бўлиб, унда бадавлат ўзбек аҳолиси яшаган. Катта тарихга эга бўлишига қарамасдан Бойсуннинг ўрта асрлардаги тарихи, XVII, XVIII, XIX асрлардаги фаолияти биз учун номаълум бўлиб қолган эди. Шарқшунос Н.А. Маевнинг ёзишича: «Бойсун энг қадимги шаҳарлардан бири бўлиб, қадимги шаҳар қолдиқлари, моддий маданият манбалари вайрон қилиб ташланган, қимматбаҳо тарихий ашёлар бунга мисол бўлади».

XVIII аср ўрталарида Бойсун ҳудуди Ҳисор беклигига бўйсунган эди. 1868 йил охирида Бойсун шаҳрида бўлган халқ қўзғолонидан кейин Бойсун Бухоро амирлигининг мустақил беклигига айланди. Бойсун беклиги тўртта амлакдорлик – Бойсун, Явмчи, Пошхурд ва Дарбанддан ташкил топган.

Бевосита бекликларга тобе амлакдорлардан ташқари Амирга тўғридан-тўғри бўйсунувчи амлакдорликлар ҳам бўлган. Лекин ушбу ҳолат доимий эмас, балки вақтинча бўлган. Масалан, Н.А.Маев Х1Х асрнинг 70-йилларида Ҳисор ўлкаси бекликлари ҳақида гапирар экан, Дарбанд, Сарижўй ва Файзобод амлокдорликлари маҳаллий бекка бўйсунмаган ва бу амлокдорликларни бевосита Амир тайинлайди, деб кўрсатади. Лекин, кейинги давр муаллифлари ушбу кўрсатилган амлокдорликларни бекликлар таркибида деб айтиб ўтишган.

Н.А.Маевнинг ёзишича, «Бойсунликлар озгина кўрсатган қаршилиги билан Амирдан ўзларининг мустақил иш юритиш ҳуқуқларини қўлга киритдилар». Бойсун шаҳрининг Марказий Осиё сиёсий ҳаётидаги ўрнини Н.А.Маев қуйидагича ёзади: «Унда ҳамиша оддий нисбатан тинч қишлоқ ҳаёти ҳукм сурган, Марказий Осиё сиёсий ҳаётида қонли тўқнашувлар ва давлат тўнтаришлардан узоқда бўлган тоғ қуйида жойлашган кўчманчи аҳоли марказлари билан ўраб олинган оддий бир шаҳар эди». Бойсун беклигидаги Пошхурд ва Дарбанд амлакдорлигининг бир қисми Эгри-Арик (Бойсун) амлакдорлиги ва Ёмчи (Жомчи) амлакдорликларини ўз ичига олган. Бойсун беклигига юқори томондан юрилса, Чорбоғ Коriздан (Бошхурд) Пошхурд, (Хотан) Хатак қишлоғи ва Дарбанд орқали ўтилади. Бойсун беклигининг ҳудуди ҳақида Д.Н.Логофет, битта амлакдорликка кирувчи 10 та қишлоқни қайд этган. 1) Бойсун; 2) Жомчи; 3) Работ; 4) Дарбанд; 5) Сайроб; 6) Хатак; 7) Зарабоғ; 8) Пошхурд; 10) Кокайди.[7]

---

[7] Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных рафонов таджики Уз.на. М., Наука. 1976. С. 146.

Даҳпаракент бекларининг амир олдидаги мавқеига қараб Ғузор, Бойсун, Шеробод бекликлари ўртасида алмашиниб турган. Бойсун воҳаси уч томондан тоғлар билан ўралган, ғарбда Дарбанд, шарқда Бўритахта тоғлари билан туташган.

Бўритахта довонидан шарқда жойлашган Қарлуқ тоғи ва дараси орқали Сурхон воҳасига чиқилади. Бойсундан Денов беклигига иккита асосий йўл борган.

1) Қизил газли, Кампир, Ан-Кадут, Дашти-ғоз ва Чош-тепа қишлоқларидан Деновга қараб юрилади.
2) Қайроқ-бел қиридан ўтадиган Улоқ-ўйнар йўли Денов беклигига борадиган энг қисқа йўл бўлган.

Бойсун беклигининг асосий ўтроқлашган аҳолиси ўзбекларнинг қўнғирот уруғига мансуб бўлган. Бекликда 17000 киши яшаган.

| | |
|---|---|
| Бойсун амлакдорлигида | - 2000 хўжалик; |
| Пошхурдда | - 2500 хўжалик; |
| Дарбандда | - 700 хўжалик; |
| Ёмчида (Жомчи) | - 400 хўжалик. |

Ғалла тортадиган тегирмонлар Бойсунда-25 та, Пошхурдда-5 та ва Дарбандда-5 тадан иборат бўлган.

Бойсун беклигида ҳам аҳолининг жойлашиши бир текисда бўлмаган, аҳоли дарё бўйи ва унинг ўрта оқимларида, яъни тоғ олди ва ўрта тоғ қисмларида зич жойлашган. Бойсун юқори тоғ зонаси ҳисобланиб, аҳоли зичлиги 1 кв. км.да 6,1 кишини ташкил қилган. Бу ҳолат аҳолининг чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишида бир хил аҳамиятга эга бўлган. Бойсуннинг табиати турли-туман, мевали дарахти, доривор ўсимликлари ва чорваси Бухоро амирининг доимий назоратида бўлган. Бухоро амирининг ёзги дам олиш қароргоҳи Бойсунда жойлашган.

Республикада чорвачилик муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Чорвачилик инсон учун зарур бўлган гўшт, сут, тухум ва бошқа ҳаётий зарур бўлган маҳсулотлар билан таъминлайди. Кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантириш учун ҳукумат томонидан муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Бунга Республика Президентининг “Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги қишлоқ меҳнаткашларига хўжалик ишларини олиб боришда шарт-шароитлар яратиш, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор [1] исбот бўлди.

Жумладан, Республикада йирик шоҳли қорамоллар сони 2012 йилга нисбатан 5,1% га ўсди ҳамда ҳозирги кунда уларнинг бош сони 8,5 млн., шунингдек, қўй ва эчкиларнинг бош сони эса 6,1% га ўсди, яъни бундай ўсиш моделининг сабаби асосан, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларининг кенгайиши ҳисобига амалга ошди [2].

Республиканинг суғориладиган ҳудудларида чорвачилик учун энг кўп озуқабоп ўсимликлар захирасига буғдой, шоли ва арпа пояларининг донсиз қисми, шунингдек, маккажўхори, беда, сабзавот-полиз экинлари пояси ҳамда табиий ўтлар киради.

Озуқабоп ўсимликларни ўриб-йиғиш, қуритиш, сақлаш ва майдалаш жараёнида уларга физика-механик кўрсаткичлар, яъни поянинг узунлиги, диаметри, намлиги, массаси, эгиб-синиши ҳамда узиш кучлари таъсир қилади [3].

Бунга озуқабоп ўсимликлардан маккажўхори, беда ва сомон пояларининг физик-механик кўрсаткичларидан, яъни эгиб-синиш ва узиш кучларини ўлчов асбоб ёрдамида ўлчанилди. Ўлчов асбоби шкала 1, пастки 5 ва юқориги 3 қисқичларни тутиб турувчи штатив 2, каретка 7 га бириктирилган винтли 6 рейкадан иборат (1, а - расм).




1-расм. Пояларни узиш (а) ва эгиб-синиш (б) кучларини ўлчов асбоби тасвири

Рукоятка 8 соат стрелка бўйича айлантирилганда куч каретка 7 орқали қисқичларга узатилади ва қисқичлар поя 4 ни тортиб узади. Ўлчов асбоби шкаласи 1 узиш кучи миқдорини қайд қилади, шунингдек, ундаги штатив 2 ни пастки 5 ва юқорига 3 қисқичлари билан бирга олиб ташланиб, уларни ўрнига коретка 7 га призма 9, горизонтал асос 11 га тик жойлашган иккита параллел пластинка 10 га ётиқ ҳолатда поя 4 жойлаштирилади. Призма 9 тик ҳолатда пастга йўналтирилганда у поя 4 ни эгиб-синиш кучининг миқдорини шкала 1 рақамида қайд қилади (1, б-расм). Ундан ташқари 2-расмда тажриба ўтказиш учун пояларнинг намунаси келтирилди [4,5].




2-расм. Маккажўхори (1), беда (2) ва сомон (3) пояларининг намунаси






3-расм. Маккажўхори пояси узунлиги ($l_п$)нинг узиш ($P_{уз}$) ва эгиб-синиш ($P_э$) кучларига боғлиқлик графиги

4-расм. Маккажўхори пояси диаметри ($d_п$) нинг узиш ($P_{уз}$) ва эгиб-синиш ($P_э$) кучларига боғлиқлик графиги

Ўтказилган тажрибага кўра, маккажўхори поясининг намлиги 24%, массаси 39 г ва узунлик миқдорининг ўзгаришда узиш кучи қаварикқсимон пароболик функция кўринишида -14,3% ҳамда эгиб-синиш кучи эса тўғри чизиқли функция кўринишида -8,4% га камаяди (3-расм). Шунингдек, маккажўхори поясининг диаметри ўлчами ўзгарганда эгиб-синиш кучи ботиқсимон парабологик функция кўринишда -14,4%, узиш кучи эса тўғри чизиқли функция кўринишида – 8,7% гача ўсади (4-расм).

Демак, 3 ва 4-расмлардан кўриниб турибдики, энг мақбул узиш ва эгиб-синиш кучлари поя узунлигининг 190 см ҳамда диаметрнинг 19 мм га тенг.

Ўлчов асбобдан фойдаланиб жадвалга келтирилган маълумотларга кўра, беда пояси намлиги 22%, массаси 7 г ва узунликнинг миқдори 87 см гача ўзгарганда узиш кучи ўртача – 13,3% ва эгиб-синиш кучи эса ўртача – 20,1% гача ўсди, шунингдек, поянинг диаметри 5 мм ошганда узиш кучи эса ўртача – 7,9% ҳамда эгиб-синиш кучи эса -13,1% гача кўпайди (жадвал).

Беда пояси узунлиги ва диаметриларининг узиш ҳамда эгиб-синиш кучларига боғлиқлиги

жадвал

| Поянинг узунлиги, см | Поянинг диаметри, мм | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 3,0 | 3,5 | 4,0 | 4,5 | 5,0 |
| 64 | 13,2/ | 13,7/ | 14,2/ | 14,7/ | 15,2/ |
| 70 | 14,1/ | 14,7/ | 15,3/ | 15,9/ | 16,3/ |
| 76 | 14,8/ | 15,1/ | 15,4/ | 16,2/ | 16,5/ |
| 82 | 15,5/ | 15,7/ | 16,2/ | 16,8/ | 17,3/ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 87 | 16,2/ | 16,4/ | 17,1/ | 17,5/ | 18,1/ |

*Эслатма: - суратда, пояни эгиб-синиш кучи, Н;

- махраждa, пояни узиш кучи, Н.

Демак, беда пояси узунлиги ва диаметрлари миқдорининг ўзгариши узиш ҳамда эгиб-синиш кучлари мос равишда 6,8% ҳамда 5,2% фарқ билан ўзгарувчидир.

Тажриба натижаларига асосан (5-расм), сомон намлиги – 17%, массаси -2,1 г ва узунлик миқдорининг ўзгаришда узиш ҳамда эгиб-синиш кучлари тўғри чизиқли функция кўринишда мос равишда 21,5% ва 8,7% га камаяди.







5-расм. Сомон пояси узунлиги ($l_{п.с.}$) нинг узиш ($P_{уз.с.}$) ва эгиб-синиш ($P_{э.с.}$) кучларига боғлиқлик графиги

6-расм. Сомон пояси диаметри ($d_{п.с}$) нинг узиш ($P_{уз.с.}$) ва эгиб-синиш ($P_{э.с.}$) кучларига боғлиқлик графиги

Шунингдек, сомон пояси диаметрининг миқдори ўзгарганда эгиб-синиш ва узиш кучлари тўғри чизиқли функция кўринишида мос равишда 17,7% ва 15,4% га ўсади (6-расм). Демак, 5 ва 6-расмлардан кўриниб турибдики, энг мақбул узиш ва эгиб-синиш кучлари поч узунлигининг 75 см га ҳамда диаметрининег 4,5 мм га тенг.

Шундай қилиб, маккажўхори поясининг намлиги – 24%, массаси – 39 г, узунлиги – 190 см, диаметри – 19 мм, узиш ва эгиб-синиш кучлари 1478 ва 154 Н га; беда поясининг намлиги – 22%, узунлиги – 82 см, диаметри – 4,5 мм, узиш ва эгиб-синиш кучлари – 147 ва 16,8 Н га; сомон поясининг намлиги – 17%, массаси – 2,1 г, узунлиги – 75 см, диаметри – 4,5 мм, уруш ва эгиб-синиш кучлари – 71 ва 7,9 Н га тенг.

XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида ўрганилаётган ҳудудда тайёрланган ва истеъмол қилинган таомлар барча ўзбек таомларидан деярли фарқ қилмаган.

Лекин шундай бўлсада, бу ҳудуд аҳолисининг таомлари ўзига хослиги билан ажралиб турган. Ҳатто деҳқончилик (сувли қишлоқлар аҳолиси) ва чорвачилик (дашт қишлоқлари аҳолиси) билан шуғулланувчи аҳолининг таомлари, меҳмон кутиш усуллари бир — биридан фарқ қилган. Масалан, деҳқончилик билан шуғулланган ақолининг таомларида дон, мева ва сабзавот муқим масаллиқ бўлиб, кўп таомлар ундан, яъни хамирдан тайёрланган.

Чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли гўштли, сут ва қатиқ қўшиб тайёрланган таомларни кўпроқ истеъмол қилишган. Ҳудуддаги анъанавий миллий таомлар ва уларнинг истеъмол қилиниш тартибига аввало табиий иқлим ҳамда аҳолининг хўжалик характери таъсир этган. Ана шулар асосида ўзига хос анъанавий таомлар ва уларни тановул қилиш тартиби юзага келган.

Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг миллий таомларини икки қисмга бўлиш мумкин: қуюқ ва суюқ таомлар. Бу таомларни ҳам тайёрланиш усуллари, хилма — хиллигига қараб, суюқ таомларни: суюқ таомлар ва донли суюқ таомларга; қуюқ таомларни: ярим қуюқ ва қуюқ таомлар, донли қуюқ таомлар, хамирдан тайёрланган қуюқ таомлар, сут ва тухумдан тайёрланган қуюқ таомлар, гўштли қуюқ таомларга бўламиз[8].

Ўзбекларда нонни ҳурматлаш қадимий одатлардан ҳисобланади.
Нонга ҳурмат — эҳтиром билан муносабатда бўлиш болаларга ёшликдан ўргатилади, уларганоннинг ушоғини ердан йиғиб олиш, уни эъзозлаш ва оёқ ости Қилмаслик зарурлиги уқтирилади. Дастурхон теварагида тўпланганда нонни оила бошлиғи ушатган ва истеъмол қилишни бошлаб берган. Илгарилари нонни муқаддас билишган, ҳатто нонга қасамёд қилинган.

Жанубий Сурхон воҳасида келган меҳмоннинг олдига дастурхонда жуфт.нон қўйилади. Буғдой нон, арпа нон, оқ жўхори нон (зоғора нон), жиззали нон, қаймоқли нон, лочира, кўмма нон, тариқ нон, кўпкан нон (қўнғиротларда хамиртуруш солиб қилинган нонни шундай аташган), сутли нон, сутли ёғли нон, сутли кулча нон, кадили нон, пиёзли нон, седанали нон, кунжутли нон, қат —қат патир, қатлама, қотирма ва бошқалар[9].

Ўзбеклар орасида шунингдек гижда нон, қўшалоқ ширмой, ёғлик кулча, кўмач каби нонлар ҳам пиширилган[10]. Жанубий Сурхон воҳасида яшайдиган қўнғиротлар товада ёки қизитилган тошда нон пишириб еганлар. Улар хамиртурушни иссиқ

---

[8] Худойшукуров Т. ва б. Ўзбек миллий'таомлари. Т.: Шарқ 1995, 6 — 8 б.
[2]Дала ёзувлари, N"3-4 дафтар 1999-2000 йиллар. Қизириқ тумани, Кунчиқиш қишлоғи.
[10] Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси Т.: Ўқитувчи 1994, 160— 161 б.

сутда ивитиб, эригилган қўй ёғи ёки сариёғ, майдаланган жизза аралаш кулчани товада ёки қозонда пиширганлар[11]. Тандирлар «девор тандир» ва «ер тандир»га фарқланган. Ўрганилаётган ҳудудда кўпроқ «ер тандирлар»дан фойдаланилган[12].

Чорвачилик билан шуғулланган аҳоли эса кўп ҳолларда буғдой унининг етишмаслиги туфайли арпа ва зоғора унларидан нон тайёрлашган, умуман уларда нон нисбатан кам истеъмол қилинган. Чўпонлар яйловларда товада ёки қизитилган тошда нон пишириб еганлар[13].

Деҳқончилик билан нгуғулланган аҳоли кўпроқ хамирдан, ундан тайёрланган овқатларни хуш кўрган: атала, умоч оши, гўжа оши, сузма, кулчатой, кескан ош, қайиш кулча, ёрма оши, угра ва бошқалар. Шунингдек хамирдан қатлама, қатлама патир, лочира, қотирма тайёрлашиб нон ўрнида истеъмол қилишган, уларда ҳар хил суюқ овқатлар, яъни шўрвалар кенг тарқалган; қайнатма шўрва (қўй ва мол гўштидан), шолғом шўрва, қовурма пгурва, пўстдумба пгўрва, товуқ шўрва, думбул пгўрва ва ҳоказолар[14].

Палов овқатларнинг энг сараси ҳисобланиб улуғ меҳмон келганда, ҳар жума оқшомида имкони етса албатта палов тайёрлашган. Оилаларда йилига бир марта албатта Наврўзда — сумалак, ҳалим тайёрлашган.

Чорвачилик билан шуғулланадиган аҳоли юқорида айтиб ўтганимиздек кўпроқ гўштли таомларни ёқтиришган. Айниқса бу ўринда Дашти қипчоқ ўзбекларининг авлодлари бўлган қўнғиротларнинг таомлари диққатга сазавордир. Уларнинг «тандир кабоб», «барра кабоб», «барра гўшт», «ширбоз гўптт», «қорин», «чўпон кабоб» каби таомларини дунёдаги ҳеч бир халқнинг таомлари билан тенглаштириб бўлмайди, бу таомлар таъбир жоиз бўлса ер шарининг ҳеч бир жойида учрамайди, бу таомлар айнан Жанубий Сурхон ҳудудига, айнан қўнғиротларгагина хос таомлардир[15].

Жанубий Сурхон воҳасида чиғатой ва хўжа тожиклари яшашади. Тожик халқи ҳам ўзбек халқидек таом тайёрлашда халқи турмуш тарзи, урф — одатлари, мезртат фаолияти хусусияти ва иқлим шароитлари ўз аксини топган.

Бу иккала халқнинг анъанавий таомлари кўп томондан бир — бирига ўхшаб кетади. Дала кузатувларида Панжоб, Дарбанд, Зарабоғ, Пошхўрд, Пасурхи қишлоқларида ҳам тожик миллий таомлари қуюқ ва суюқ таомларига бўлиниши аниқланди[9].

Тожик миллий суюқ таомларига: атала, қовурма пгўрва, умоч ош, кадили шўрва, гуруч ош (қатиқ билан), кескан ош, ширкади, гўжа ош, очар ош, кўчат ош (ўзбекларда кўча ош), тариқ ош, қўноқ ош,
смалоқ ош, мошхўрда, мастава, робо ош ва бошқалар. Тожик миллий қуюқ таомларига: ёрма, сумалак, тарқолва, шулла,

---

[11] Дала ёзувлари, №3 дафтар 1999 йил. Бандихон тумани, Қизилбош қишлоғи.
[12] Дала ёзувлари, №4 дафтар 2000 йил. Қизириқ тумани, Такия ота қишлоғи.
[13] Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси Т.: Ўқитувчи 1994, 163— 164 б.
[14] Дала ёзувлари, №4 дафтар 2000 йил. Бойсун тумани, Худойдод қишлоғи.
[15] Дала ёзувлари, №5 дафтар 2000 йил. Шеробод тумани, Чиғатой қишлоғи.
[9] Дала ёзувлари №1-5 дафтар 1998-2000 йиллар. Шеробод, Бойсун туманларидаги Панжоб, Зарабог,Пошхурт, Пасурхи кишлоклари.

чўпанак, нон тўшама, димлама, ширбиринч, кўк сомса, гўштлик сомса, кабоб (кийик гўшт), каклик гўнгг, бедана гўшт, нгўнғилла, қаймоқ, ёз —ёзи, юпқа, мошкичири каби таомлар киради.

Чорвачилик билан шуғулланиб келган қўнғиротларнинг севган суюқ таоми қайнатма пгўрва ҳисобланади. Қайнатма пгўрва янги сўйилган қўй гўштидан, думбасидан, шолғом, сабзи, тоғ пиёзи солиб, қайнатиб тайёрланган. Қайнатма гпўрвани тайёрлаш учун ёғли бўлаклари, қовурға қисми ёки тўш устидан совуқ сув қуйиб, бир қайнатиб чиқиш қолатига етказиб, паст оловда қайнатиладида, вақти — вақти билан кўпиги териб олинади. Кўпик ҳосил бўлиши тутагандан кейин шўрвага бутунлайича зираворлар солинади. Гўптт пишай деганда, шолғом, сабзи бутунлигича, охирида эса ҳалқа —ҳалқа қилиб кесилган тоғ пиёзи ва туз солинади ҳамда ёғоч товоққа сузилаётганда, устидан майдаланган кўкат ҳам сепишган.

Бундан ташқари қўнғиротиларнинг машҳур бўлган тандир гўшт таоми ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бунинг учун улоқ ёки қўй танланади. Уни тандирда пиширишади. Унинг учун тандирнинг ички деворлари оқариб кетгунча қиздиришади, катта гўшт бўлакларига туз, қалампир, зирра, майдаланган саримсоқпиёз сепиб, ёнғоқ ёки ўрик таёқчаларига осишади. Таёқчанинг узунлиги тандир оғзидан узунроқ бўлиши керак. Қизиган тандирнинг ўртасига чўғни йиғиштириб, унинг устига сув солинган қозонча (ёки декча) қўйиб, устидан сувга тегмайдиган қилиб гўштни осиб қўйишади. Гўштни устидан арчанинг қуриган шохчаларини жойлаб устидан тоғорани тўнтариб қўйишади, унинг атрофини лой билан суваб, шу ҳолда гўшт миқдорига қараб 60 — 80 минут қолдиришади. Кейин гўштни чиқариб олиб, арча қолдиқларини яхшилаб олиб ташлашади ва совутишади. Асосан совуқ ҳолатда истеъмол қилишади. Тандирнинг ичида, чўғда пишган қозонча ҳар хил масалликлар шолғом, сабзи, қалампир, нўхат, думба кабиларни солишиб, уни тандир гўшт шўрваси сифатида дастурхонга тортилади.

Жанубий Сурхон воҳасида яшайдиган ўзбекларнинг севимли таомларидан бири бу ғилминди ҳисобланади. Уни тайёрлаш учун ун, сув ва туздан хамир қориб, ярим соат қолдирилади. Хамир тайёр бўлгач, бўлакчаларга бўлиниб ўқлов билан текисланади. Хамир айлана қилиниб, ўртасига қуюқ сутли атала қуйиб хамир юзасига бир хил қалинликда суртилади. Кейин чеккалари тўртбурчак ёки яримой шаклида букланади, сўнг чимдиллаб ёпиштирилади ва кўп миқдорли ёғда қовуриб олинади. Сутли қутоқ атала алоҳида қилинади. Қайнаб турган сув аралашган сутга ёғсиз қиздирилган ун, шакар, туз солиб қуюқ бўлгунча қайнатилади. Кейин совуган атала хамирга суртилиб, қора қозонга ташланган. Тайёр бўлган ғилминди таоми кўкат билан қўшиб истеъмол қилинган.

Панжоблик чиғатой тожикларининг севимли таомларидан бири бу кабоб ҳисобланади. Кабоб таомини тайёрлаш учун кийик ёки қўй гўштидан катта —катта бўлаклар кесиб олинади, Махсус ерга чўғ қилиниб, ёйилган чўғнинг устига қўйилиб чиқилади. Бўлак —бўлак қилинган гўштнинг устидан чўғ ёйилиб қўйилади. Сингиб пишгандан сўнг, куйган жойлари кесиб олинади. Гўштнинг устидан зира ёки арча барглари сепилади. Ёғоч товоққа сузилиб, истеъмол қилинади.

Туркман миллий таомларининг ичида «Қарманон» таоми қуйидагича тайёрланади[11]. Аввал тандирда юпқа ёғсиз патир ёпилади, патир совитилиб, майда тўғралиб олиб қўйилади. Гўшт, сабзи алоҳида — алоҳида қайнатилади. Улар пишиб бўлгач сувдан чиқариб совитилади. Гўшт қўлда майда титилади ёки қиймаланади, сабзи майдалаб тўғралади. Сўнг тўғралган нон,

